Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

1988 йил 10 декабрь
ШАНБА
№ 282 (4.481)

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.

ҲАМДАРДМИЗ, ҲАМДАММИЗ, ҲАМНАФАСМИЗ!

Дўстпарвар Ўзбекистон жафокаш Арманистонга мадад қўлини чўзмоқда

ИШГА КИРИШИЛДИ

Илгари хабар берилганидек, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг раиси Н. И. Рижков бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг комиссияси Арманистон ССРга келди. 7 декабрь куни Арманистоннинг бир қанча шимолий районларида кучли зилзила оқибатида иморатлар бузилди ва одамлар қурбон бўлди, комиссиянинг вазифаси ана шу зилзила оқибатларини тугатиш мақсадидаги ишларни умумиттифоқ миқёсида мувофиқлаштириб туришдан иборат.

8 декабрь куни эрталаб комиссия аъзолари Арманистон Компартияси Марказий Комитетида республика раҳбарлари билан учрашдилар. Кенгашда айрим иттифоқ министрликлари ва муассасаларнинг раҳбарлари ҳам иштирок этдилар. Кенгашда офат рўй берган районларга ёрдам бериш учун бир қанча йирик ва шошилинч тадбирлар кўрилди, комиссия фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб олинди.

Қўшимча тарзда ҳарбий қисмлар, жумладан инженерлик бўлинмаларини жалб этиш, бу ерга қудратли замонавий техника, автокранлар, кўпроқ юк ортиладиган вертолётларни юбориш, бошпанасиз қолган одамларни муваққат уй-жой билан таъминлаш, ўларга мамлакатнинг дам олиш уйлари ва бошқа шифохоналаридан ажратиш, иссиқ кийим бериш, армия қисмларининг кўмаги билан улар учун мунтазам иссиқ овқат тайёрлашга қарор қилинди. Ҳозирнинг ўзидаёқ мамлакатнинг турли шаҳарларидан бу ерга юзлаб врачлар ва бошқа медицина ходимлари келишди. Республикага қурилиш материаллари ва йиғма-считли уйлар етказиб беришни жадаллаштириш тўғрисида топшириқлар берилди.

Арманистон бошига тушган кулфат — совет халқлари бутун оиласи бошига тушган кулфатдир. Мамлакатнинг барча ўлкаларидан ана шу серташвиш кунларда бетўхтов келиб турган мактублар, телеграммалар ва таъзияномалар ҳам шундан дарак беради. Умумий куч-ғайрат, ўзаро ёрдам ва меҳр-оқибат билангина кулфатни бартараф этиш мумкин.

Кенгаш тугаши биланоқ комиссия аъзолари дарҳол қаттиқ зилзила рўй берган районларга жўнаб кетдилар. Улар Ленинакан, Спитак, Кировакан шаҳарларида бўлишиб ишнинг аҳволи билан, зилзила етказган зиён билан батафсил танишдилар. Ана шу шаҳарларнинг аҳолиси билан кўпгина учрашувлар бўлди. Одамлар кулфат ҳақида гапирдилар, оперативлик ёрдам учун, инсонпарварлик учун, М. С. Горбачевнинг Арманистон гражданларига мурожаатномасида изҳор этилган чуқур ҳамдардлик ва мадад сўзлари учун миннатдорчилик билдирдилар. Айни вақтда улар шаҳар ва поселкалардаги қутқариш ишлари, уюмларни йиғиштириб олиш ҳозирча вазият талаб этаётганидек миқёс касб этмагани хусусида катта ташвиши билан гапирдилар. Н. И. Рижков меҳнаткашларнинг саволларига жавоб қайтариб, офат рўй берган районларда вайронагарчилик миқёси каталигини таъкидлади ва ҳозирги энг асосий вазифа ҳар бир участкада техника, айниқса, автокранлар, металл қирқиш аппаратлари, транспорт воситалари, жумладан вертолётлар етарли бўлишига эришишдир, деб уқтирди. У, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг комиссияси ана шу вазифа яқин орада бажарилиш учун, одамлар бошига тушган кулфатни енгиллаштириш учун имкони бўлган барча ишларни қилади, деди.

Меҳнаткашлар билан бўлган суҳбатларда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари Н. Н. Слюньков, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР мудофаа министри Д. Т. Язов, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари Ю. П. Баталин, Л. А. Воронин, Б. Е. Шчербина иштирок этдилар. Комиссия аъзоларининг республика районлари бўйлаб қилган сафарида, уларга Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари С. Г. Арутюнян ҳамроҳ бўлди.

Комиссия жойлардаги реал вазиятни ҳисобга олиб, қутқариш ва тиклаш ишларининг бутун комплексини жадаллаштириш мақсадида бир қанча қўшимча тадбирларни белгилади.

(ТАСС).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қардош арман халқига зилзила оқибатларини тугатишда амалий ёрдам бериш мақсадида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Госстройи раиси Қ. Ҳ. Маҳамадалиев раҳбарлигида ҳукумат комиссияси тузди.

Комиссияга Арманистон ССРга янги уй-жой ва социал соҳа объектлари қуришда конкрет ёрдам бериш, табиий офатдан зарар кўрган районларга дори-дармон, касби қурувчилик бўлган мутахассислар ва ишчилар, зарур қурилиш материаллари жўнатиш, шунингдек, Арманистондан келган болаларни республикада қабул қилиб олиш ва жойлаштириш юзасидан тез орада таклифлар тайёрлаш ҳамда тақдим этиш топширилди.

* * *

Арманистондаги зилзила оқибатларини тугатиш учун Ўзбекистон ССР бажарадиган иш ҳажмларини келишиб олиш мақсадида республика ҳукумат комиссиясининг раиси Қ. Ҳ. Маҳамадалиев Ереванга жўнаб кетди.

Арманистон Компартияси Марказий Комитетига Арманистон ССР Олий Совети Президиумига Арманистон ССР Министрлар Советига

Ҳурматли ўртоқлар!

Оғир табиий офат — зилзила оқибатида кўпдан-кўп одамлар нобуд бўлганлиги муносабати билан Ўзбекистон меҳнаткашлари номидан чуқур ҳамдардлик изҳор этамиз.

Қутурган ер ости кучлари қанчалик кулфат солишини биз ўтмишимиздан биламиз.

Ана шу машаққатли синов кунларида Ўзбекистон меҳнаткашлари зилзиланинг фожиали оқибатларини тугатиш ишида зарур қардошлик ёрдамини беришга тайёрдирлар.

Ёр-биродарларидан жудо бўлган оилаларга яна бир карра самимий ҳамдардлик ва таъзия изҳор этамиз.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — **ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ** — **ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ**

М. С. ГОРБАЧЕВ
Нью-Йоркдан жўнаб кетди

НЬЮ-ЙОРК, 8 декабрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг раиси М. С. Горбачевнинг Нью-Йоркда бўлиш программаси Арманистон ССРда зилзила юз берганлиги муносабати билан бўлинди. Куба ва Буюк Британияга визит қолдирилди.

Бугун М. С. Горбачев Нью-Йоркдан Москвага учиб кетди. Ў билан бирга КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Н. Яковлев жўнаб кетдилар.

М. С. Горбачев учиб кетишдан олдин аэропортда баёнот берди: Мен сафаримни тўхтатиб, Совет Иттифоқига қайтишга мажбурман. Кеча кечқурун Арманистонда юз берган зилзила ва унинг оқибатлари жуда оғир бўлгани ҳақида хабар қилишди. Кўп ўйлар вайрон бўлган, қурбонлар жуда кўп. Шу сабабли мен дарҳол уйга қайтишим лозим. Ҳозирнинг ўзидаёқ кулфат юз берган районда Министрлар Совети раиси раҳбарлигидаги комиссия иш олиб бормоқда. Оғир аҳволда қолган барча жабрдийдаларга ёрдам бериш учун шошилинч чоралар кўриш керак.

Бугун эрталаб телефон орқали президент Р. Рейган ва вице-президент Ж. Буш билан гаплашдим. Улар жабрдийдаларнинг ҳаммасига ўз номларидан, Америка халқи номидан чуқур таъзия, совет халқига ва ҳукуматига ҳамдардлик изҳор қилдилар. Ҳамдардлик билдирганликлари учун мен уларга раҳмат айтдим ва ўз номимдан, халқимиз номидан миннатдорчилик изҳор этдим. Биз буни жуда қадрлаймиз. Президент билан вице-президент зарур бўладиган ёрдамни кўрсатиш истакларини изҳор қилдилар. Ҳамдардлик билдирганликлари ва шу қийин вазиятда ёрдам бериш истаклари учун уларга ва барча америкаликларга миннатдорчилик билдирмоқчиман.

Шундай бўлдики, Нью-Йоркда бизнинг иш кунимиз фақат бир кун давом этди, лекин биз уни жуда муҳим кун деб ҳисоблаймиз. Ҳозирги дунё, унинг истиқболлари тўғрисидаги ўз фикрларимизни Бирлашган Миллатлар Ташкилотида баён қилиб бериш имкониятига эга бўлдик, биз бу ташкилотни жуда қадрлаймиз ва янги халқаро муносабатларни вужудга келтиришда унинг роли ортиб боришига умид қиламиз. Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида кўпгина фойдали алоқаларни амалга ошира олдик ва кўпгина мамлакатлар вакиллари билан фикрлашиб олдик. Биз буни қадрлаймиз. БМТ минбаридан биз айтган фикрларни тушуниб кутиб олганликларини кўрдик.

Биз президент Рейган билан ва вице-президент Буш — Америка Қўшма Штатларининг бўлажак президенти ҳамда ҳозирги ва бўлғуси маъмуриятнинг аъзолари билан учрашдик. Бу учрашув жуда фойдали бўлди деган фикрга биз ҳам, Америка томони ҳам қўшилдик. Учрашув Совет—Америка муносабатларининг юксак даражада эканлигини тасдиқлади, бу муносабатлар ҳозирги халқаро аҳволнинг туб масалаларини муҳокама қилиш, умуман халқаро муносабатларни яхшилаш йўларини излаш имконини беради. Бу учрашув яхши муҳит, ошкоралик, ишонч, бирбиримизнинг позициямизни яхшироқ тушуниб олишга интилиш билан ажралиб турди. Шу сабабли кеча мендан ана шу учрашувнинг моҳиятини, унинг асосий мазмунини бир сўз билан таърифлаб беришни сўраганларида мен: давомийлик, деган бир сўзни айтдим. Кечаги учрашувлар ва бугун телефон орқали бундан буёнги ҳамкорлигимиз муаммоларига тааллуқли суҳбат муносабатларимиз ҳамкорлик, манфаатларни ҳурмат қилиш базасида ва бошқа халқлар олдидаги масъулиятимизни ҳисобга олган ҳолда мустаҳкамланиб ва кенгайиб боришига Америка томонида ҳам, Совет томонида ҳам ишонч туғдиради, деб ўйлайман.

Нью-Йоркликларнинг бизга кўрсатган меҳмондўстликлари учун, шу кунларда дўстлик туйғуларини изҳор этганликлари учун уларга самимий миннатдорчилик сўзларимни айтмай кетиб қолсам, мен ўзимни яхши ҳис қилмаган бўлардим. Нью-Йоркликларнинг меҳмондўстлиги қалбимизда чуқур из қолдирди. Бундай кутиб олганликлари учун барча нью-йоркликларга самимий миннатдорчилик изҳор этамиз. Америка диёрида бўлган кунимиздаги энг муҳим воқеалардан бири балки айни мана шунинг ўзидир. Биз совет халқининг ҳам, америкаликларнинг ҳам бир-бирларига ўзаро ҳурмати, хайрихоҳлиги, ҳамкорлик қилиш истаги ортиб бораётганлигини кўриб турибмиз.

Олдинда қийин йўл турибди, аммо биз ҳозирги вақтда эришган жиҳатларни ривожлантириб ва мустаҳкамлаб, ана шу йўлдан олға боришга ишонч туйғуси билан жўнаб кетмоқдамиз. Сўнгги вақтлардагидек ҳаракат қиладиган бўлсак, балки бу ҳаракатларни яна бироз кучайтирсак, назаримда муносабатларимизда яхши истиқболларга умид қилишимиз мумкин. Бу эса халқларимиз учун ҳам, бутун дунё учун ҳам жуда катта аҳамиятга эга бўлади.

Хайр. Эътиборингиз учун раҳмат.

М. С. ГОРБАЧЕВ
Москвага қайтиб келди

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг раиси М. С. Горбачев ўзининг чет эл сафарини тўхтатиб, 9 декабрь куни Нью-Йоркдан Москвага қайтиб келди. М. С. Горбачевнинг сафарида ҳамроҳ бўлган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Н. Яковлев, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари В. М. Каменцев ҳам у билан бирга келдилар.

Аэродромда М. С. Горбачевни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, В. М. Чебриков, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ТАСС).

ЎЗБЕК ЭЛИДАН ЖЎНАТИЛДИ

Арманистон бошига тушган кулфат биз учун ҳам оғир мусибатдир. Бу сўзни ҳар бир ўзбекистонлик дилидан ўтказмоқда. «Узагростройʼ бирлашмаси раисининг ўринбосари М. Шамсиддинов қардош республика аҳолисига зудлик билан кўрсатилаётган амалий ёрдам ҳақида мухбиримиз Ш. Жабборовга қуйидагиларни гапириб берди:

— Закавказьедаги зилзила тўғрисида хабар эълон қилиниши биланоқ агросаноат комплекси қурувчилари оёққа туришди. Ҳамма ишимизни қайтадан режалаштирдик. Табиий офатдан кучли зарар кўрган Арманистон халқига шошилинч ёрдам кўрсатишга қарор қилдик. Бирлашма раҳбариятининг шу мавзудаги йиғини беш минутга ҳам етмади, лекин шу қисқа фурсатда катта ҳажмдаги ишларни амалга ошириш келишиб олинди.

Деярли ҳамма областларимизнинг қурилиш идоралари «Биздан қандай ёрдам керак?» деган қўнғироқ бўлди. Бу — дўст бошига иш тушганда қалби безовта бўлган ватанпарвар кишиларнинг дил амри, чинакам ташаббуси эди. Зилзила оқибатларини бартараф этишда қўли гул қурувчиларнинг ўрни алоҳида эканлиги эса ўзўзидан аён. Фарғона, Наманган, Тошкент, Андижон областлари, Қорақалпоғистон АССР бунёдкорлари қардошларга ёрдам бериш истакларини изҳор этишди. 9 декабрь куни 10, 12, 16, тонналик кранлар жўнатиш учун ҳозирланди. Ўнта краннинг ҳар бирини бошқаришга иккитадан одам ажратилди. Улар кеча жўнаб кетишди.

Айни пайтда 10 та уй-вагон юборишга қарор қилинди. Уларда бемалол ҳаёт кечириш учун барча шароит яратилган: шинам ошхона, ҳаммом, ётоқ жойи бошпанасиз қолган дўстларимизни иссиқ бағрига олади. Қудратли «ИЛ-76» самолётлари ортган анжомлар бугунок Арманистон заминига етиб борши керак.

САЙЁР

АЙАСТАНГА МАКТУБ

«Қишлоқ ҳақиқати» буюртмаси билан

Қардошим — Айастан!
Ўйим алғов-далғов,
Юрагим тошлардан бўлди қонталаш.
Бошимга ёғилган бу қандай бало.
Табиат қошида
он талаш,
жон талаш...
Бир коса сут каби чайқалди Севан,
Қария Арарат бош силкир мунгли.
Вужуддай титради қадим Ереван
Оҳудай безовта ҳар арман кўнгли!
Асрлар уйқуда, ғафлатда ётган
Тоғ бошга қуласа,
тош кўчса ердан...
Ким у ғазабини бизларга отган,
Ким у бизга қаҳри қўзғаган бирдан!
Табиат!
Мунчалар офатинг нега!
Табиат!
Кулфатинг ўт олди нечун!
Майли, ёлборайин, тиз чўкай сенга
Аммоки одамга кўрсатма кучинг!
Ўз уйинг ўз бошинг узра қуласа,
Ўз хонанг қабрга айланса зумда.
Бу қандай кўргулик, бу не хулоса!
Чақмоқ чақаётир тинмай кўзимда!
Бу бало нелигин биламан, қардош.
Шўрлик қисматимга шерик бўлгансан.
Қанча зилзилага берганман бардош,
Тирилсам тирилиб, ўлсам ўлгансан!
Бугун фожианга шерик юрагим
Тошдан заҳа еди, титроқдан озор,
Туярдим ҳамиша сенга керагим,
Бугун сезмоқдаман бунн мен минг бор.
Мардсан, мардонасан,
қаддинг — Арарат,
Кўнглинг Севан каби мусаффо дўстга.
Қонингда қуёшдан оқар ҳарорат,
Аланга бахш этди бугун у сўзга.
Оға-инилармиз, Тошкент — Ереван
Ҳасану Ҳусандай бир она ўғли.
Совет Иттифоқи — жонажон Ватан
Эзгу туйғумиздан дўст сўзи чўғли.
Жонажон Москва турар ёнма-ён,
Қардошинг Ашхобод дардингга шерик.
Ҳаммамиз жон десанг, бергумиздир жон,
Бутун халқ биргадир то экан тирик.
Айастан — ўз юртим,
биродар ўзбек
Дардингни олай деб оҳ чекар экан,
Ҳар бири бесабр, беором кўздек
Сенинг қад-бўйингга тикилар экан,
Билгинки,
сен билан нон-туз ўртада.
Йўғу боримизни кўрамиз баҳам.
Жароҳат қолмагай арман юртида,
Қайғу-дардларингга бўлгаймиз малҳам.
Билгинки,
Айастан,
апплар ўлкаси,
Тоғдай матонатинг бизларга аён.
Сени суяб турган дўстлар елкаси,
Мангу ёнингдадир эш Ўзбекистон!

Тошкент шаҳри.
1988 йил 9 декабрь.

КПСС Марказий Комитетида

КПСС Марказий Комитети «СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисида»ги СССР Қонунининг 28-моддасига мувофиқ Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи сайлов комиссияси тузди. Сайлов комиссиясининг состави қуйидагича:

Бризга Лидия Дмитриевна — Брест область, Брест райониди «Память Ильича» колхоз-комбинатининг машинада сут соғиш оператори, Белоруссия ССР.

Гейба Янис Алоизович — Латвия Компартияси Даугавпилс район комитетининг биринчи секретари.

Затворницкий Владимир Андреевич — 1-«Мосстрой» трести комплекс бригадасининг бригадири, Москва шаҳри.

Иванова Татьяна Георгиевна — РСФСР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари.

Коптюг Валентин Афанасьевич — СССР Фанлар академиясининг вице-президенти — СССР Фанлар академияси Сибирь бўлимининг раиси.

Лаптев Павел Павлович — КПСС Марказий Комитети умумий бўлими мудирининг биринчи ўринбосари.

Лобов Юрий Иванович — Д. Ф. Устинов номли «Ижмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари, Удмуртия АССР.

Мақсудов Пўлатжон Соаталиевич — Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг директори, Чирчиқ шаҳри.

Метонидзе Гурами Арчилович — В. И. Ленин номли Тбилиси электровозсозлик заводи электр монтажчилари бригадири, Грузия ССР.

Раҳмадиев Еркегали — композитор, Қозоғистон ССР Композиторлар союзининг биринчи секретари, СССР халқ артисти.

Фатеев Анатолий Михайлович — КПСС Ленинград область комитетининг иккинчи секретари.

Шемшученко Юрий Сергеевич — Украина ССР Фанлар академияси давлат ва ҳуқуқ институтининг директори, УССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, юридик фанлар доктори, профессор.

Щитов Александр Иванович — СССР Халқ контроли комитети раисининг биринчи ўринбосари.

ҚАЙТА ҚУРИШГА МОНАНД

Ўзбекистонда область ҳисобот-сайлов партия конференциялари бошланди. Делегатлар КПСС XXVII съезди, Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси қарорларини амалга ошириш, ҳар бир партия ташкилоти, ҳар бир коммунистнинг қайта қуриш жараёнидаги ва жамиятни янада демократиялашдаги роли тўғрисида манфаатдорлик билан сўз юритмоқдалар. Улар социал-иқтисодий тараққиёт муаммоларини ўртага қўйиб, хўжалик механизмини такомиллаштириш, бригада ва ижара пудратини жорий этиш, ҳаётий социал масалаларни ҳал қилиш хусусида конкрет таклифлар айтмоқдалар. Ташкилий-партиявий ишларни кадрлар иши ва идеология ишини такомиллаштириш масалаларига катта эътибор берилмоқда.

СССР Олий Советининг навбатдан ташқари ўн иккинчи сессияси қарорлари, мазкур сессияда қабул қилинган СССР Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун ва СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги Қонун кенг муҳокама қилинмоқда.

9 декабрь куни Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон АССР, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона областлари ҳисобот-сайлов партия конференциялари иш бошлади.

Конференциялар ишида: Тошкентда — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов, Нукусда — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев, Бухорода — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Д. Д. Берков, Термизда — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ш. З. Камолхўжаев, Қаршида — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари В. И. Оғарок, Фарғонада — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий-партиявий иш ва кадрлар билан ишлаш бўлимининг мудири П. В. Догонкин иштирок этмоқдалар.

(ЎзТАГ).

АРМАНИСТОНДА ЗИЛЗИЛАДАН ЖАБРЛАНГАНЛАРГА ЁРДАМ КЎРСАТИШ УЧУН МАБЛАҒЛАР ЎТКАЗИШ МАХСУС СЧЁТЛАРИ ОЧИЛГАНИ ҲАҚИДА

СССР уй-жой-социал банки Арманистон ССРнинг бир қанча районларида зилзила натижасида жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг оқибатларини тугатиш мақсадида 700412 махсус счётни очди. Бу счётга аҳоли, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар кўнгилли равишда пул ўтказадилар. Маблағлар СССР банкларининг барча муассасаларида қабул қилинади.

Совет ва чет эл гражданлари ҳамда ташкилотлар чет эл валютасидаги хайр-эҳсонларини СССР ташқи иқтисодий банкининг 700412 счётига юборишлари мумкин.

«Қишлоқ ҳақиқати»нинг бугунги сонида босилган материалларга тегишли қалам ҳақи муаллифларнинг илтимосларига биноан 700412-счётга ўтказилади.

ОРЁЛ ТАЖРИБАСИГА КЕНГ ЙЎЛ!

СОҲИБЛИК ТУЙҒУСИ

ёки ижара имкониятлари ҳақида ўйлар

Эътибор берган бўлсангиз, яқинда икки кун давомида қадимий Орёл диёри қишлоқни социал-иқтисодий қайта қуриш, иқтисодий ислоҳотни жорий этишнинг амалдаги тажриба мактаби вазифасини ўтади. Мамлакатимизнинг турли бурчакларидан ташриф буюрган кенгаш қатнашчилари бу ерда содир бўлаётган жўшқин жараённи ўз кўзлари билан кўрдилар, дала ва фермалардаги ижобий ўзгаришлардан воқиф бўлдилар.

Хўш, йигирма йил давомида бир жойда депсиниб турган область сўнгги икки-уч йил ичида қандай қилиб кўпчиликнинг эътиборини тортадиган бўлиб қолди? Бунинг туб сабаблари нимада?

Орёлликлар тўплаган тажрибага мурожаат қилинса, масала ойдинлашиб, саволнинг аниқ жавоби топилади.

Аввало шуни айтиш керакки, областда қишлоқни социал жиҳатдан қайта қуриш, агросаноат комплексида иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш соҳасида бир қатор муҳим масалалар муваффақиятли ҳал этилди. Янги иқтисодий механизм ҳаракатга келтирилди. Ана шулардан бири ва асосийси ижара пудрати бўлиб, у ҳамма ерда қунт билан, сабот билан жорий этила бошланди. Бу оддий меҳнаткашлар учун энг мақбул усул эканлиги тез орада исботланди. Шу тариқа орёлликлар эгасиз мулкка, яъни бюрократик системанинг асосий қалъасига чинакам ҳужум бошладилар.

Бу ҳужумнинг самараси ҳақида батафсил тўхталиб ўтиришга ҳожат йўқ. Чунки матбуотда етарлича баён қилинган, талайгина ёрқин ва ишонарли мисоллар бор.

Табиийки, шу ўринда ижара пудрати Ўзбекистон агросаноатида қандай жорий этилмоқда, деган ҳақли савол туғилади.

Очиқ эътироф этмоқ лозим: бу борада республикамизда ҳам маълум даражада олға силжиш сезилаяпти. Жумладан, Сурхондарё областининг бутун агросаноат комплекси, бошқа областларнинг ўнлаб колхоз ва совхозлари, бир қатор қайта ишлаш корхоналари янги хўжалик механизми шароитида фаолият кўрсатиб, ижобий натижаларга эришилмоқда.

Эсингизда бўлса Жиззах райони илғарилари пахтачиликда ниҳоят даражада оқсаб келарди. Бу йил жуда яхши натижаларга эришилди. Пахта тайёрлаш плани атиги 25 иш кунида бажарилди. Социалистик мажбурият ҳам анча барвақт ошириб адо этилди.

— Бу нимани шарофати? — сўраймиз район партия комитетининг биринчи секретари Тўлқин Мирхолиқович Мирёқубовдан.

— Пудрат ва механизация хосияти, — қисқа ва лўнда қилиб жавоб беради секретарь.

Ҳа, районда йил бошидан пахтачиликнинг ўзида уч мингдан кўпроқ оила пудрат асосида иш бошлади. Экинлар парваришида ҳам, ҳосил йиғим-теримида ҳам техникадан унумли фойдаланилди. Самарасини қаранг: бу йил пахтачиликнинг ўзидан камида 15 миллион сўм соф фойда олиниш кутилмоқда. Бу — ўтган йилгидан ўн миллион сўм кўп.

Ушбу мисолдан ижара нималарга қодир эканлиги шундоққина кўриниб турибди.

Бахмал районида мева ва узумчиликка ихтисослашган «Партия XXIII съезди» совхози бор. Авваллари ҳам илғорлар сафида саналиб келган бу хўжаликда янги усулда фаолият кўрсатила бошлангач, ишлар янада юришиб кетди.

Ютуқларни рақамларда ифодалайлик. Сўнгги уч йил давомида биргина узум етиштириш йилига ўрта ҳисобда 960 тоннадан ўсиб борди. Рентабеллик аввалги 11 процентдан 25 процентга кўтарилди.

Энди чорвачиликдан бир мисол. Илғарилари Урганч районидаги «Ленинизм» колхози фермаси йилига 11 тоннага етарэтмас гўшт топширар, 15 минг сўмгача зарар кўрар эди. Бу йил 15 кишидан иборат коллектив фермани ижарага олди-ю, кескин ўзгариш содир бўлди. Ижарачилар ўтган тўққиз ойдаёқ давлатга 27 тонна гўшт топширишди. Йил охиригача эса жами 35 тонна гўшт тайёрлаш имконияти бор.

Бундай ташаббускорларни ҳақли равишда янгилик элчилари деб атасак бўлади. Лекин юз бераётган ўзгариш ҳамда ютуқларни бугунги шиддаткор кунимиз талаблари, республикамиз мавқеи ва имкониятлари нуқтаи назаридан баҳолайдиган бўлсак, ҳали кўнгилдагидек эмас.

СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советларининг келгуси йилнинг план ҳамда бюджетларини тасдиқлаган сессияларида мутлақо ҳаққоний қайд этилганидек, республикамиз агросаноат комплексида молиявий жиҳатдан соғломланиш масалалари ҳали секинлик билан ҳал қилинмоқда. Бу соҳага ажратилаётган жуда катта маблағдан самарасиз фойдаланилаётир. Кўпгина қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳамон зарар кўриб ишламоқдалар. Ҳанузгача тайёрга айёрлик кайфиятлари кучли. Лоқайдлик ва уюшқоқсизлик юкидан ҳали халос бўлингани йўқ.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг самараси пастлиги кўп жиҳатдан хўжалик юритишнинг янги шароитида колхоз ҳамда совхозлар, бригада ва звеноларга раҳбарлик қилиш, уларнинг ишини ташкил этишдаги маъмуриятчилик-бюрократик усуллар сақланиб қолаётганлигидан гувоҳлик беради. Бундай ҳолат жойларда амалий иш билан мустаҳкамланмаган расмиятчиликлар ҳали жуда кўплигидан далолатдир. Бу яна ижара пудратини жорий этишда журъатсизлик қилинаётганлиги, қатъият етишмаётганлиги билан изоҳланади.

Орёлликлар тажрибаси, республикамизда эришилган дастлабки натижалар хўжалик қурилишнинг ҳозирги босқичи хусусиятларини ҳисобга олиб оқилона иш юритишни тақозо этади. Бу эса кўп жиҳатдан колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига, жамоат ташкилотлари вакилларига, депутатларга боғлиқ. Қайси жойда янгилик қарор топса, унинг фаол тарафдорлари, бевосита ижрочилари топилса, ўша ерда иш юришиб кетаверади, муваффақият томир отиб бораверади.

Энг муҳими шундаки, ҳаётнинг ўзи аҳволни ўнглашнинг йўли ижара пудрати эканлигини кўрсатиб турибди. Ижара — деҳқонни ернинг ҳақиқий соҳибига, хўжайинига айлантиради. Меҳнат интизомини мустаҳкамлаб, унга бўлган муносабатни тубдан ўзгартиради.

Бас шундай экан, ижара имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш ҳам қарз, ҳам фарз. Унинг йўлига тўғоноқ бўлиш инсофдан эмас.

Очиғини айтганда борадиган йўлимиз аниқ бўлса-да, унга ғов бўлаётган, қишлоқни қайта тиклаш пайти келганини тушуниб етмаётган, тўғриғоғи тушунишни унча хуш кўрмаётган одамлар ҳам топилади. Улар турли ниқоблар билан ҳаракат қилмоқдалар. Лекин замон руҳи уларнинг йўли қисқалигини равшан кўрсатиб, тўла исботлаб турибди.

Юқоридан бериладиган кўрсатмаларга обдон ўрганиб қолганлигимизданми, ҳамон дадил ҳаракат сезилмаётган, жиддий ўзгариш қилинмаётган жиҳатларимиз бор. Шу йилнинг ёзида Пискент районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси Муносиб Авазов билан мулоқотда бўлганим эсимда. Тадбиркор раҳбар бир неча масалалар хусусида куйиниб мушоҳада юритди. Шулардан бири РАПОларга муносабати эди. «Буни қаранг, — деган эди у, — РАПО тузилди-ю, колхоз ва совхозлардаги энг яхши агрономлар, инженер ва зоотехниклар унга ишга ўтиб кетишди. Негаки, ойлиги юқори, масъулияти, жавобгарлиги эса кам. Оқибатда нима бўлди денг, ҳалиги малакали мутахассислар тез орада яхшигина идора ходимларига айланишди, қоғозларга кўмилиб қолишди. Модомики эндиликда колхоз ва совхозларга мустақиллик берилаётган, тўла хўжалик ҳисобига ўтилаётган экан, РАПОларнинг кераги бормикан? Ундаги мутахассисларнинг бевосита ишлаб чиқаришда — дала ва фермаларда ўзларини кўрсатганлари маъқул эмасми?...»

Ана, кўрдингизми, фикрнинг теранлиги, муддаонинг муҳимлигини! Бундай мулоҳазаларни бошқалардан кўп эшитганмиз, мақсадлар муштараклигига гувоҳ бўлганмиз.

Шу ўринда орёлликлар тажрибасига қайтиш жоиздир. Уларда ўтган йилдан бошлаб хўжаликларнинг барча раҳбарлари ва мутахассислари, шу йилнинг январидан бошлаб эса район агросаноат бирлашмасининг ҳамма мутахассислари меҳнатга умумий даромаддан келиб чиққан ҳолда ҳақ тўлашга ўтказилди. Бу эса уларнинг интенсив технологияларни ўзлаштиришдан бевосита манфаатдорлигини ошириб, фантехника тараққиёти ютуқларини активроқ ўзлаштиришга мажбур этди.

Ижарачилар қишлоқда асосий куч бўлиб қолмоғи лозим. Бунинг учун уларнинг йўлидаги барча тўсиқларни олиб ташламоқ керак. Кўп ҳолларда нима бўлаяпти денг: ижарачи йил бошида колхоз ёки совхоз билан шартнома тузиб иш бошлайди, лекин фаолияти давомида кутилмаган ғойибона ғовларга дуч келади. Аввало хўжалик раҳбарлари пудратчини ўз вақтида техника ва ўғит билан тўла таъмин этмайдилар, сувини вақтида етказиб бермайдилар. Орзулари бир олам бўлган деҳқоннинг эса хуноби ошади. Майли, амал-тақал қилиб экинини парваришлаб, ҳосилини йиғиб олди ҳам дейлик. Ҳисоб-китобга келганда деҳқон яна яккаланиб қолади. «Шартноманинг у банди ундай бўлди, бу банди бундай бўлди» қабилида иш тутилиб, ижарачи қўлига тегадиган пулнинг баракаси учирилади.

Бундай камчиликлар ўтган хўжалик йилида содир бўлганлиги ҳақида «Қишлоқ ҳақиқати»га ижарачилардан бир қанча шикоятлар тушганлиги фикримизнинг исботидир. Айтинг-айтинг ана шу ҳолатлар энди такрорланмасин! Аслида ҳисоб-китоб жуда оддий ва тушунарли бўлмоғи лозим. Ижарачи учун у ишлаб чиқаришга қанча маблағ сарфланганлиги ва маҳсулотни қандай нархда сотганлиги муҳим. Ижарачи ҳам, бутун халқ хўжалиги ҳам мана шундай соддалаштиришдан ютади.

Сир эмас, инсоннинг заминга бўлган табиий қизиқиши қайта тикланмагунича ишда ижобий силжиш рўй бермайди. Буни ҳаёт исботлаб турибди. Шу ўринда қизиқ бир далил. Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўққизинчи сессияси материаллари гувоҳлик беришича, республикамизда экинзорларнинг атиги 3 процентига, эътибор беринг-а — атиги 3 процентига эга бўлган ахолининг шахсий хўжаликлари қишлоқ хўжалигида ҳосил қилинаётган ялпи маҳсулотнинг қарийб чорагини, миллий даромаднинг учдан бир қисмидан кўпроғини, ғўштнинг 50 процентини, сутнинг 64 процентини, сабзавотнинг 44 процентини бермоқда.

Хўш, бу нимадан гувоҳлик беради? Албатта, ерга эгаликдан, соҳиблик туйғусидан. Нимага умид боғлашга ишора? Ижара, коллектив, оила пудратига ўтишга, албатта. Истиқболда қандай бўлиши керак? Ижара ҳаётда муқим бўлиб қолмоғи зарур.

Тўғри, янгилик ўзига қийинчилик билан йўл очади. Унинг ўзига яраша муаммолари бўлади. Айтайлик, айримлар ижара пудратига ёппасига ўтадиган бўлсак хўжаликдагиларни иш билан тўла таъминлаш мушкул, деган фикрни илгари сурмоқдалар. Бироқ ёрдамчи хўжаликларни оқилона ташкил эта билган Боғот районидаги Нўримонов номли колхоз ва бошқа бир қатор коллективлар тажрибаси ишчи кучидан унумли фойдаланиш, ҳаммани иш билан таъминлаш мумкинлигидан гувоҳлик беради. Бунинг учун колхоз ҳамда совхозларда деҳқончилик ва чорвачиликдан ташқари турли ёрдамчи хўжаликлар ташкил этиш, фойдаланилмаётган резервларни ҳаракатга келтириш талаб этилади.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Айримлар «барча соҳаларда пудратни жорий этса бўлади-ю, лекин пахтачиликда қийинроқ» дейишмоқда. Чўчиш, ҳадиксираш, баъзи ҳолларда иккиланиш аломатлари... Бу масалани тўғри ҳал этиш, равшанлик киритиш иқтисодчи олимлар, мутахассислар ҳукмига ҳавола. Эҳтимол маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда пудратни ҳар жиҳатдан ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш талаб этилар. Бироқ оддий бир аграр журналист сифатида фикр юритиб, агар пахтакор хўжаликларда ҳам чин маънодаги ижара пудрати жорий этилса, бу муаммо ўз-ўзидан кун тартибидан олиб ташланиши аниқ деган хулосага келишга кафолат беради.

Айтайлик, колхоз правлениеси пудратчилар коллективи билан алмашлаб экишнинг икки-уч тўла циклини қамраб олиш мақсадида 8-12 йилга мўлжалланган шартнома тузса, уларга ер билан бирга етарли миқдорда техника, ўғит берилса, сув билан таъминланса. Ёки ана шу техника ва бошқа ресурслар пудратчилар томонидан сотиб олинса-да, хўжалик ҳисоби асосида иш юритилса. Натижада мўл, арзон ва эртаги ҳосил етиштирилади. Маҳсулотни йиғиб-териб олишда четдан ҳашарчи жалб этишга, ўқувчилар кўмагига кўз тикишга мутлақо ҳожат қолмайди.

Чамаси янгилик йўлидаги ғовлардан яна бири пудратга ўтган коллективларни моддий-техника ресурслари билан таъминлашнинг кўнгилдагидек бўлмаётганлигидир. Бу ҳақда ҳам жиддий бош қотирмоқ, уни ижобий ҳал этиш йўлларини ахтариб топмоқ мақсадга мувофиқ. Токи ижарачи коллективлар маҳтал бўлиб қолишмасин, зорланишмасин, умидсизланишмасин. Бу кўп жиҳатдан таъминот органларининг самарали меҳнатига, жонкуярликларига боғлиқ.

Иқтисод — қайта қуришнинг ўзаги. Ижара эса иқтисодий ислоҳотнинг асоси. Бу — исбот талаб қилмайдиган оддий ҳақиқат. Фақат коллектив пудратни ва турли ижара муносабатларини кенг жорий этиш билан қишлоқни социал қайта қуришга эришмоқ мумкин. Бу нарса меҳнаткашлар турмушининг асосига, жамиятимиз бутун организмини ташкил этадиган жонли хўжайраларга дахлдордир. Қайта қуришнинг моҳиятини мустаҳкамлашнинг калити, озиқ-овқат муаммосини ҳал этишдаги ютуқлар гарови, маъмурчиликка, мўл-кўлчиликка олиб борадиган энг қисқа йўл мана шундан иборат.

Ортиқали ТИЛОВБЕРДИЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг аграр масалалар бўйича шарҳловчиси.

Қалбимиз буюргани

ПАХТА ҚУЛИ ЭМАС, ПАХТА БЕГИ

Муаллифлар бу хатни КПСС Марказий Комитетига ва «Огонёк» журнали редакциясига юбордилар: бунга қуйидаги воқеа сабаб бўлди.

«Огонёк» журналининг 1988 йил октябрь ойида чиққан 43-сонида Александр Треплевнинг мактаб ўқувчиларининг пахта йиғим-теримига жалб қилиниши тўғрисидаги мақолачаси эълон қилинди. Унга этак боғлаган пахта терувчи маъюс ўсмирнинг фотосурати илова этилган эди.

Шу муносабат билан ўз фикр-мулоҳазаларимизни баён қилишни зарур деб ҳисоблаймиз.

Биз «шарофрашидовчилик» даврида намоён бўлган ва республикада социал-иқтисодий тараққиётга ҳамда маънавий-ахлоқий муҳитга жуда катта зарар келтирган салбий ҳоллар танқид қилинишига ва қораланишига қарши эмасмиз.

Аччиқ ҳақиқатга асосланган кескин, холисона ва амалий танқид, уни ким айтишидан ва қаерда билдирилишидан қатъий назар биз уни Рашидов, Усмонхўжаев ва уларнинг шериклари қилган жиноятларга берилган тўғри баҳо деб, маънавий ва ахлоқий жиҳатдан айниган бир тўда муртадлар жиноятларининг оғир оқибатларини қатъият билан бартараф этишда коммунистларга, бутун ўзбек халқига, Ўзбекистон Коммунистик партияси ва унинг раҳбар ядроси — Марказий Комитет обрў-эътиборини мустаҳкамлашга, софдил ва меҳнатсевар ўзбек халқининг Совет Иттифоқи қардош халқлари оиласидаги покиза номини тиклашга кўрсатилган катта ёрдам деб қабул қиламиз.

Бундай танқид учун миннатдорчилик билдирамиз ва у марказий матбуотда тез-тез пайдо бўлиб турсин. Ҳалол, ҳаққоний танқид бизга республикамизда турғунлик ва «шарофрашидовчилик» давридаги салбий ҳолларга қарши кураш жараёнида рўй берган социал-иқтисодий тараққиётдаги ва маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштиришдаги ижобий силжишларни мустаҳкамлаш ва кўпайтиришга ёрдам берди ва бундан буён ҳам ёрдам бераверади. Мазкур силжишларга КПСС Марказий Комитетининг кўмаги ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг коммунистлар ва бутун ўзбек халқи фаол равишда қўллаб-қувватлаётган собитқадам фаолияти туфайли эришилди.

Бироқ «Огонёк» журналидаги мақолачанинг бундай танқид билан ҳеч қандай умумий алоқаси йўқ.

Муаллиф, у билан бирга журнал редакцияси ўз олдига, бизнинг фикримизча, энг аввало, ўзбек халқини ҳақораталашни мақсад қилиб қўйган. Айнан худди шу мақсадда мақолачага «Хлопкораб» («Пахта қули») деб сарлавҳа қўйилган. Унда пахта терувчи боланинг аянчли портретини зўр бериб тасвирлашга ҳаракат қилинган. Бу бола шунчалик ҳолдан тойганки, муаллифнинг таъкидлашича, унинг ҳатто жилмайишга ҳам мадори йўқ. Бу «қулларча» меҳнат самараси эмиш.

Шундай қилиб, «Огонёк» журнали редакцияси конкрет адресларни айтмай, кичик «қул» Дамирнинг фотосуратини босиб ва А. Треплевнинг «Пахта қули» сарлавҳали уйдирмасини эълон қилиб, ўзи истаса ёки истамаса ҳам ўз болаларини ёвузларча азоблаётган, уларни болаликдан, ўқишдан, дам олишдан ва ҳатто нормал овқатланишдан маҳрум этаётган халқнинг умумлашма образини яратди.

Бу нарса чорак асрдан кўпроқ вақт мобайнида республиканинг партия, давлат ҳокимияти олий эшелонига мансуб манфур гуруҳи томонидан жорий этилган барча ёвуз, даҳшатли ва жинояткорона ҳамма ишларга қарши курашаётган коммунистларнинг, барча халқимизнинг нақадар қийналаётганини бутун мамлакат кўриб-билиб турган бир пайтда, ниҳоят, сиёсий, хўжалик, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қайта қуришнинг инқилобий жараёнлари туфайли бошланган ижобий ўзгаришлар кўзга ташланаётган пайтда айнан шундай қилинди.

Ўзбек халқи пахта етиштиришни ва мамлакатни бу қимматбаҳо хом ашё билан таъминлашни ҳамма вақт ўзининг миллий ифтихори ва Ватан олдидаги биринчи интернационал бурчи деб ҳисоблаб келган.

Ҳозирча пахта йиғим-терими тўла-тўкис механизациялаштирилмаган. Шу боис қисман қўл терими зарурлигини ҳамма билади. Республикада ҳеч ким — хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, пахтани умумхалқ иштироки билан, ҳашар усулида йиғиб-териб олишни уят деб ҳисобламайди.

Чунончи, бу йил олтмиш мингдан кўпроқ ҳурматли оқсоқолларимиз — уруш ва меҳнат ветеранлари, республиканинг ўн минглаб меҳнаткашлари ихтиёрий равишда, ўз ташаббуслари билан далаларга чиқдилар ва пахта теримида қатнашдилар. Бу пахта тайёрлаш планини қисман, анча қулай муддатларда — бор-йўғи 22 иш кунида муваффақиятли бажаришга кўп жиҳатдан ёрдам берди.

Тошкент область Ўрта Чирчиқ районидаги хўжаликларга келганда қуйидагиларни билдирамиз: мақолача муаллифи А. Треплевнинг таъкидлашича, бу ерда оммавий равишда ҳар куни эрталаб соат 9.00 дан кеч соат 18.00 гача болаларнинг «қулларча» меҳнатидан фойдаланилган эмиш. Муаллиф ҳам, у билан бирга «Огонёк» журнали редакцияси ҳам журналхонларни, юмшоқ қилиб айтганда, чалғитишган. Негаки, бу район республикада биринчи бўлиб пахта тайёрлаш планини адо этди. Бинобарин, у мактаб ўқувчиларинигина (районда 69 та мактаб бор) эмас, балки шаҳарликларни ҳам пахта йиғим-теримига жалб этмади. Ушбу районда пахта йиғим-теримида қишлоқ хўжалик йўналишидаги маҳаллий ўрта ҳунар техника билим юртининг фақат 700 нафар ўқувчисигина иштирок этди. Табиийки, улар учун пахта терими билим юртидаги ўқув-ишлаб чиқариш практикасининг бир қисмидир.

Бундан ташқари, муаллиф республика партия ташкилоти жамоат ташкилотларининг қўллаб-қувватлаши билан ҳозирги пайтда сўзда эмас, амалда мактаб ўқувчиларини қишлоқ хўжалик ишларига жалб этишга қарши кураш олиб бораётганлигини билмаслиги мумкин эмас эди. Республика ҳукумати далаларда ўқувчилар меҳнатидан фойдаланишни ман этувчи қарор қабул қилган.

Хўш, бундай хилдаги мақолалар босиб чиқарилишидан қандай мақсад кўзланмоқда?

Бу саволга ҳеч иккиланмай, бир хил жавоб бериш мумкин. У ҳам бўлса — республикада салбий ҳоллларга қарши курашишда, бутун вазиятни соғломлаштиришда қўлга киритилган ютуқларни қоралаш, «сезмаслик», журналхонлар онгига гўё Ўзбекистонда ҳеч нима ўзгармаяпти, деган фикрни сингдиришдан иборатдир.

Мақолача муаллифи «Болалар Рашидов даврида далада эдилар, Усмонхўжаев даврида далада бўлдилар, шу йилнинг апрелида ҳам далада эдилар — бирор нарса ўзгардими?» деб ёзар экан, худди шу фикрни баён қилди.

Мазкур мақолача ҳам республика ичидаги, ҳам унинг ташқарисидаги унсурларнинг тегирмонига сув қуяди. Бу шахслар «ўзбеклар иши», «пахта иши» сингари халқ учун ҳақоратли бўлган таърифларни қўлладилар ва ҳозир ҳам республикада рўй бераётган поклаиш ва соғломлаштириш жараёнларини бадном қилишга уринишда давом этмоқдалар.

Биз «Огонёк» журналининг бундай позициясини хато деб ҳисоблаймиз ва журнал редакцияси ўзбек халқи қадр-қимматини ҳақоратловчи бундай мақола учун кечирим сўрашини талаб қиламиз.

О. А. АЛИМОВ, — Иттифоқ аҳамиятидаги шахсий пенсионер; А. П. АЛИМОВ — уруш ва меҳнат ветеранлари Тошкент область Советининг раиси, Иттифоқ аҳамиятидаги шахсий пенсионер; С. С. ОХУНЖОНОВ — генерал-лейтенант; Р. Ғ. ҒУЛОМОВ — Ўзбекистон ССР Олий Советининг раиси, уруш ва меҳнат ветеранлари республика Советининг раиси, Иттифоқ аҳамиятидаги шахсий пенсионер; Ҳамид ҒУЛОМ — Ўзбекистон халқ ёзувчиси; М. ИСМАТОВ — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Тошкент область Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси; А. М. ИЛЮХИН — Иттифоқ аҳамиятидаги шахсий пенсионер; Б. А. КАИПОВ — уруш ва меҳнат ветеранлари Ўзбекистон республика Советининг масъул секретари, республика аҳамиятидаги шахсий пенсионер; О. А. АБЗАЛОВ — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Иттифоқ аҳамиятидаги шахсий пенсионер; Б. КАМОЛОВ — Ўрта Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секретари; М. В. МУҲАММАДЖОНОВ — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги; А. Ғ. МУХТОРОВ — Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениесининг раиси, «Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда» газетасининг редактори; М. РУЗМАТОВ — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Тошкент область Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобев номли колхоз раиси; П. Ф. САУЛЬКИН — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Тошкент область Чиноз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг раиси; Г. И. СКОРОБОГАТОВ — уруш ва меҳнат ветеранлари республика Совети раисининг биринчи ўринбосари, Иттифоқ аҳамиятидаги шахсий пенсионер; П. Ф. ШЕВЕЛЕВ — истеъдодли генерал-полковник; Комил ЯШИН — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

ДЕҲҚОН ТАОМИЛИ

БЎЛАЖАК ҲОСИЛ ТАМАЛИ

Яқингинада оппоқ либос — оқ олтинга бурканган далалар тўнини ўзгартириб, қорамтир тус олаяпти. Механизаторлар бедов отларига миниб экинзорларни ҳайдамоқдалар. Шудгор — келгуси йил ҳосилининг тамали. Бу оддий ҳақиқат ҳар бир деҳқонга азалдан маълум. Шу боис тадбиркорлар ҳосил йиғим-теримни тугаши ҳамон, пайсалга солмай ер ҳайдашга киришдилар. Бинобарин, барвақт, сифатли шудгорланган майдонлардан мўл ҳосил олиш кафолатли.

Халқимизда «Ер ҳайдасанг — куз ҳайда, кўз ҳайдамасанг — юз ҳайда» деган пурҳикмат нақл бор. Аслида бу деҳқончиликнинг темир қонуни бўлиши керак. Бироқ турғунлик йилларида, маъмурий-буйруқбозлик усули чуқур илдиз отган кезларда унга амал қилинмади, асрлар оша вужудга келган бебаҳо тажрибага менсимай қаралди. Кўп жойларда кузги шудгор қишки шудгорга айланиб кетди. Оқибати эса маълум: тупроқ таркиби бузилди, унумдорлик пасайди.

Кейинги йилларда республика хўжаликларида экинзорлар ҳолатини яхшилаш борасида қатъий чоралар кўрилаяпти. Энг аввало кузги шудгорга жиддий аҳамият берилмоқда. Жорий йилда пахта йиғим-терими барвақт тугаганлиги шудгорлашни ҳам эрта бошлаш имконини берди. Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли, Чиноз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозлари, Сирдарё областидаги Ульянов номли, Қосим Раҳимов номли совхозларнинг деҳқонлари ноябрнинг биринчи ярмидаёқ экинзорларни сифатли шудгорладилар. Энг муҳими, ерни ҳайдашдан аввал картограмма асосида маҳаллий ва минерал ўғитлар солинди. Умуман, ерларни шудгорлаш республика миқёсида ҳам яхши бораяпти. Шу кунгача 2 миллион 340 минг гектар экинзор шудгор қилинди. Бу эса ўтган йилнинг шу давридагига қарагандa икки ҳисса зиёд.

Тошкент, Қашқадарё, Бухоро, Фарғона областларининг деҳқонлари кундузги юмушларни конвейер усулида ташкил этдилар. Ҳосилдан бўшаган пайкаллар пешма-пеш юқоридан буйруқ бўлишини кутиб ўтирмасдан ҳайдалди. Ишга бундай ёндашиш суръатни жадаллаштирди. Шу боис мазкур областларда шудгорлаш ниҳоясига етди. Шу билан бирга бошқа юмушлар — далаларни текислаш, ариқ-зовурларни тозалаш, техника ремонти, уруғлик тайёрлаш авж олдирилмоқда.

Аммо қулай об-ҳаво имкониятларидан фойдаланмаётган, ҳамон эски қолиплардан чиқа олмаётган хўжалик раҳбарлари ҳам бор. Улар шудгорлашни асоссиз равишда чўзиб юборишдилар. Календаримизда қиш бошланди. Аммо ҳали ғўзапоядан тозаламаган, ҳайдалмаган майдонлар талайгина. Аниқроқ айтганда, яна 200 минг гектар майдон шудгорланиши керак. Унинг асосий қисми Хоразм, Андижон, Сурхондарё областларида. Уларда ер ҳайдаш ҳали-бери тугамайди. Ҳолбуки, бу муҳим агротехника тадбири чўзилиб кетишига ҳеч қандай асос ҳам, важ ҳам йўқ. Оқдарё, Пайариқ, Балиқчи, Жарқўрғон, Боёвут, Шовот районларида иш суръати жуда паст. Устига устак шудгор сифати ҳам талабга жавоб бермайди. Баъзи жойларда ернинг саёз ҳайдалишига йўл қўйилмоқда. Агросаноат комплексининг маҳаллий органлари, хўжаликларнинг раҳбар ва мутахассислари аҳволни ўнглаш, ҳайдалмаган экинзорларни қисқа муддатда қўлдан чиқариш тадбирларини белгилашлари керак.

Ҳозир ҳаво очиқ, илиқ-иссиқ. Лекин қиш қишлигини кўрсатиши, совуқ тушиб, ернинг устки қатлами музлаши мумкин. Кейин бутун ҳаракат зое кетади. Ерни эрта баҳорда ҳам ҳайдаса бўлади. Бироқ агрохимиявий хусусиятларига кўра у кузги шудгорга тенглаша олмайди.

Тупроқни шудгор олдидан маҳаллий ўғитларга тўйдириш, минерал ўғитлар билан озиқлантириш бебаҳо аҳамият эга. Бу борада Тошкент области деҳқонлари ибрат бўлишаяпти. Улар 116,3 минг гектар майдонга ҳайдаш олдидан маъдан ўғит солдилар. Самарқандликлар эса 194 минг гектардан оширдилар. Бироқ бу муҳим ишга кўп жойларда панжа орасидан қараляпти ёки етарлича аҳамият берилмаяпти. Масалан, Фарғона, Бухоро, Сирдарё областларида бир қанча майдонлар ўғит солинмасдан ҳайдаб юборилди.

Маҳаллий ўғитга муносабатни тубдан ўзгартириш зарур. Пахтадан барқарор ҳосил олинаётган хўжаликларда гектарига 20—25 тоннадан нури солинаяпти. Мўл ҳосил етиштирилаётганининг сири ҳам шунда. Маҳаллий ўғит ер малҳами, ҳосилдорликни оширишнинг ажойиб воситаси эканлигини ҳамма билади. Ачинарлиси шундаки, имконият бўла туриб унга амал қилинмайди. Акс ҳолда Фарғона областида 19 минг, Тошкент областида 17 минг, Бухорода 23 минг гектарига маҳаллий ўғит солинганини қандай баҳолаш мумкин! Ҳолбуки, бу жойларда 60—70 минг гектар майдонга органик ўғит солиш тадбирлари белгиланган. У қоғозда қолаяпти, яъни ер ҳайдалаяптию нури солинмаяпти. Унумдорлик отрядларининг ишларини жонлантириш, топшириқни уддалаш учун зарур шароит яратиш, техника, ишчи кучлари ажратиш зарур. Бир сўз билан айтганда, келгуси йил ҳосилига пухта замин яратиш керак.

Республика агросаноат комплекси янги йилдан бошлаб тўла хўжалик ҳисобига ўтади. Узнин маблағ билан таъминлаш, ўз харажатларини ўзи қоплаш ҳамма учун баббаравар қонда тусига киради. Бундай иқтисодий шароитда планни барбод қилиш, коллектив манфаатига қаттиқ зарба беради. Ҳосилга тамал қўйилаётган ҳозирги кезларда шуларни ҳам атрофлича ўйлаш, мулоҳаза қилиш, янгилик ғояларини кишилар онгига етказиш ғоят муҳим. Интенсив технологияни кенг жорий этишда одамлар психологиясини ўзгартириш ҳам катта роль ўйнайди.

Беш йилликнинг учинчи йили якунланмоқда. Пахтакорлар учун у зарбдор бўлди. Она-Ватан ўзбек деҳқонларидан 5 миллион 350 минг тонна юқори сифатли хом ашё қабул қилиб олди. Ҳозир келаси йилда ана шу марradан чекинмаслик вазифа қилиб қўйилмоқда. Пахтакорлар бу улкан хирмонни кам маблағ ва меҳнат сарфлаган ҳолда тиклашлари мумкин. Бунда, шубҳасиз, коллектив пудрат, унинг оила, звено, ижара шаклари қўл келади. Пахтачиликда ижара пудратининг кенг ёйилишига бутун чоралар билан яшил йўл очиш мақсадга мувофиқдир.

Бўлғуси ҳосилга тамал яратаётган механизаторларнинг унумли меҳнат қилишлари, дам олишлари учун шароит бўлиши зарур. Уларга иссиқ овқат тайёрлаш, дам олиш чоғларида газета ва журналлар бўлишини таъминлаш керак. Партия ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари пировард натижалар энг аввало одамларга боғлиқ эканлигини бир лаҳза ҳам унутмасликлари шарт. Далада ишлаётган ходим ғамхўрлик билан қуршаб олиниши лозим. Инсон омилига нисбатан янгича ёндашув муваффақиятларни янада бойитишга хизмат қилади.

Деҳқон юмушлари қишда ҳам оз эмас. Шудгорлашдан сўнг ерларни текислаш, шўр ювиш навбат кутиб турибди. Устахоналарда техника ремонтини авж олдириш, уруғлик тайёрлаш ва, ниҳоят, деҳқонларнинг ўзлари ўқув хоналарига йўл олиб иқтисодий ўқишни бошлашлари зарур. Ана шуларнинг ҳаммаси партия, совет органлари, хўжалик раҳбарлари ва мутахассислардан катта ташкилотчиликни талаб қиладики, булар янги йилни шаҳдам бошлашда муҳим роль ўйнайди.



Урганч районидаги Карл Маркс номли колхоз аъзолари чорвачиликни рентабелли тармоққа айлантиришган. Бунга фан ютуқлари ва илғорлар тажрибасини изчил жорий этиш туфайли эришилди. Хўжаликда айни кунларда чорва моллари тўқ ва иссиқ қишлаяпти. Ферма ходимларига доимий ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

СУРАТДА: мусобақа ғолиби Зулфия Гуллиева. У қарамоғидаги ҳар бош говмишдан кунига 9—10 килограммдан сут соғиб олаётир. Зулфияни ҳамкишлоқлари область Совети депутатлигига сайлашган.

Б. АЛИМОВ фотоси.

ХУШХАБАРЛАР

ЖАМБУЛ. Бир неча йилдан бери шаҳарда яшаётган 9 оила истиқомат қилиш учун Жамбул областининг Юбилейное қишлоғига қайтиб келди. Бунда хўжаликда мактабгача тарбия болалар муассасаларига навбат йўқлиги муҳим роль ўйнади. «Подгорненский» совхози хўжалик юритишнинг янги усулига ўтиши билан бошқарув аппарати анча қисқарди. Қишлоқ Совети депутатлари дирекциянинг нкки қаватли биносини болалар боғчасига беришни, дирекцияга эса кичикроғини ажратишни таклиф қилдилар. Бу йил

ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИ БЎҒИНЛАРИ

Булунғур

ЕЧИМНИ ТОПИШ ШАРТ

Узум ва мева — район меҳнаткашлари умумиттифоқ фондига етказиб бераётган асосий маҳсулот. Айни пайтда уларнинг тури йил сайин кўпайиб бораётгани диққатга сазовор. Масалан, Навоий номли совхоз бу йил биринчи мартқ қардош республикалардги истеъмолчиларга сабзавот жўнатишни тажриба қилди. Ўзаро шартнома асосида Пермь области савдо ташкилотларига 60 тонна помидор етказиб берилди.

— Натижа қандай?

— Кутилганидан ҳам яхши, — дейди совхоз директори Неъматилла Нуруллаев. — Жўнатилган помидорнинг ҳар килограммига 82 тийиндан пул келди. Ўзимизда эса 13 тийиндан тўлашади. Ўзаро манфаатли савдо-сотиқни кенгайтирмоқчимиз. Янада кўпроқ маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартномалар тузилаяпти.

— Помидор — тез бузулувчи маҳсулот. Уни олис масофага етказиб беришда кийинчилик туғилмаяптими?

— Йўли бор. Июнь ойида етилган, лекин ҳали кўкимтир помидорларни саралаб вагонларга юкладик. Манзилга етгунча қип-қизариб пишади. Бунда вақтдан утишимиз керак. Ғарқ пишиқчилик бошланмасдан ҳаракат қилсак харидор янада кўпаяди.

Бинобарин иқтисодий муносабатлардаги қайта қуриш хўжаликларнинг маҳсулот етиштириш ва уни сотишдаги имкониятларини ҳийла кенгайтирди. Хўжалик етиштирган маҳсулотини ўзига фойдали нархда сотиш учун бошқа республикалардан шериклар танлаши, савдо-сотиқ юзасидан шартномалар тузиши мумкинлиги ана шу қулайликлардан бири. Ундан самарали фойдаланишга интилишни қўллаб-қувватлаш зарур. Чунки бунда икки тарафлама манфаат кўрилади. Ҳам қардошлар дастурхони серфайз бўлади., ҳам хўжаликнинг иқтисодий аҳволи яхшиланади.

Умуман хўжаликда сабзавот ва картошкачиликнинг аҳволи қандай? Шуни айтиш керакки, сабзавотчилик Булунғурда бошқа ихтисослашган зоналар, жумладан, Самарқанд районига нисбатан анча кейин жорий этилди. Аммо булунғурлик миришкорлар қунт ва чидам билан тажриба тўпламоқдалар. Масалан, Навоий номли совхозда бу йил 232 гектар майдонни сабзавот пайкаллари эгаллади. Сабзаватчилар йиллик планни районда биринчи бўлиб бажардилар. Ҳар гектар майдондан пландаги 209 центнер ўрнига 254 центнердан ҳосил олинди. Эл дастурхонига пландаги 5 минг 319 тонна ўрнига 6 минг 298 тонна сабзавот етказиб берилиб, йиллик план 118,4 процент адо этилди. Ашур Маъмуров, Нарзулла Адҳамов, Тўрақул Бойдилов бошлиқ пешқадам бригадаларда ҳосилдорлик 300—512 центнерга кўтарилди. Илғор агротехника ҳамда маҳсулот реализация қилишдаги изланишлар туфайли гектарлар самарадорлиги ортмоқда. Чунончи ҳар гектар сабзавот майдони сўнгги йилларда пландаги 3.200 сўм ўрнига ўртача 5 минг сўм даромад келтираётир.

Айни пайтда соҳани ривожлантиришга халақит бераётган муаммо ва қийинчиликлар мавжудки, улар айниқса ҳосилни қайта ишлашда яққол кўзга ташланмоқда. Жумладан, помидор ортган тележкалар айни пишиқчилик мавсумида «Красногвардейский» совхозидаги консерва заводи дарвозасида навбат кутиб икки-уч кунлаб туриб қолади. Оқибатда ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлмоқда.

— Консерва заводига ҳар гал маҳсулотни тарозида тортиб жўнатамиз, — сабзаватчилар шу хусусда характерли бир мисол келтиришди.— Икки-уч сутка навбат кутиб, қабул қилишганида эса ҳар тележкадаги маҳсулот 400—500 килограмм камайиб кетади. Пешона тер асфальтга сув бўлиб оқаяпти. Бунга чек қўйиш керак.

Ўринли талаб. Шунингдек, хўжаликда ҳатто парникда помидор кўчати етиштириш учун ҳам плёнка етишмаяпти. Қайта ишловчилар ва таъминотчилар деҳқоннинг дардига малҳам бўлиб, мавжуд муаммоларни тезроқ ҳал этиш, хўжаликлар эҳтиёжини тўлароқ қондириш тадбирларини кўришлари зарур.

Совхозда Зарафшон соҳиларига туташ 500 гектар экин майдони картошкачиликка ажратилган. Сўнгги пайтда хўжаликда бу соҳада силжиш кўзга ташланаётгани диққатга сазовор. Жумладан, картошкакорлар бу йил давлатга пландаги 3.450 тонна ўрнига 4 минг тонна маҳсулот етказиб бердилар. План 116 процент адо этилди. Жорий йилда бултургига нисбатан 700 тонна кўп картошка етиштирилганинг ўзиёқ хўжаликда бу тармоқ тараққиётининг салмоғидан маълум тасаввур беради. Икром Холжигитов, Ғани Бобоев, Ҳазратқул Иқромов бошлиқ бригадаларда картошкадан мўл ҳосил етиштирилмоқда.

Аммо картошкачилик бошқа кўпгина хўжаликларда бўлганидек, қийинчилик билан олға силжиётир. Бунинг сабаблари кўп: тупроқиқлим шароитидаги тафовут, уруғчилик муаммоси, ҳосилни сақлаш билан боғлиқ қийинчиликлар ва ҳоказо. Натижада маҳсулот таннархи кўтарилиб, фойда ўрнига иқтисодий зарар кўрилмоқда. Аммо коллектив картошкани иқтисодий фойдали соҳага айлантириш йўлида изланаётгани диққатга сазовор. Масалан, жорий йилда уруғчилик муаммосини ҳал этишда жиддий бурилиш ясалди. Хўжаликнинг ўзида келгуси йил ҳосили учун 500 тонна уруғлик тайёрланди.

— Одатда уруғликни қардош республикалардан, олис масофадан ташиб келтирардик, — дейишди бу ҳақда картошкакорлар. — Йўл харажатлари қимматга тушарди. Устига устак уруғликнинг бир қисми йўлда чириб нобуд бўларди. Шу сабабли картошкачилик совхозимизда ҳозиргача йилига ўртача 75 минг сўм иқтисодий зарар билан планлаштириларди. Улуғлик етиштиришни ўзимизда йўлга қўйсак фойда кўрамиз. Бу соҳада дастлабки қадам қўйилди. Яқин икки-уч йилда ўзимизни сифатли уруғлик билан тўла таъминлаймиз.

Дарҳақиқат, хўжаликда ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Йил бошида бир неча номзод қўйиш йўли билан директор сайлови ўтказилиб, партия ходими Неъматилла Нуруллаев кўпчилик овоз билан хўжалик раҳбарлигига сайланди. Ёш директор тинимсиз изланмоқда. Шу йил барча соҳалар тўла-тўкис оилавий пудрат усулига ўтказилди. Моддий манфаатдорликнинг ортиши кишиларда ерга меҳнатнинг пировард натижасига муносабатни ўзгартирди. Ҳисоб-китоблар ҳозирданоқ йил якунига кўра олинадиган соф фойда пландаги 310 минг сўмдан анча ортиқ бўлишини кўрсатмоқда.

Совхоз далаларида, боғ ва токзорларда кузги-қишки юмушлар қизғин. Сабзавот ва картошкадан бўшаган 1.266 гектар экин майдони сифатли шудгор қилинди. Токлар кўмилиб, қатор ораларига ўғит берилмоқда. Маҳаллий ўғит жамғарилмоқда. 10 минг тонна ўрнига 15 минг тоннадан зиёд маҳаллий ўғит тўплашга қарор қилинган. Шунингдек, ариқзовурларни тозалаш, токзор ва боғларга яхоб бериш каби агротехник тадбирлар юксак савияда ўтказилаётир.

М. ЭРАЛИЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

Тошкент райони

ЗАМОНАВИЙ УСУЛНИ ҚЎЛЛАНИБ

Район меҳнаткашлари давлатга сабзавот сотиш йиллик планини бажардилар. 3.200 гектар майдондан истеъмолчиларга 93.100 тоннадан ортиқ маҳсулот етказиб берилди. Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, хўжаликни иқтисодий бошқаришни такомиллаштириш, оила пудратини кенг жорий этиш ютуқлар омили бўлди.

Маълумки, республика пойтахти мазкур район экинзорлари ҳисобига кенгаймоқда. Шаҳарликларнинг турли неъматларга эҳтиёжлари эса кун сайин ортиб бораяпти. Деҳқонлар ана шу талабни қондириш учун интенсив технологиядан, хусусан пленка остида сабзавот етиштириш усулидан кенг фойдаланишаяпти. Бу йил 870 гектарда шундай ҳосил етиштирилди. Натижада очиқ майдонларга нисбатан эртаги маҳсулот олиниб, икки ҳисса кўп даромад қилинди. Айниқса Карл Маркс номли, Алишер Навоий номли колхозларнинг миришкорлари бу борада омилкорлик кўрсатдилар.

Аксарият хўжаликлар планни муддатидан илгари адо этдилар. Карл Маркс номли, Ленин номли, Ильич номли, Собир Раҳимов номли, «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги», «Ленин йўли» колхозлари ҳамда Сабзавотчилик илмий-тадқиқот институти деҳқонлари мажбурият ҳисобига ҳам анча маҳсулот топширишди. Маҳаллий ва минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш, агротехник тадбирларни маромида бажариш, алмашлаб экишни тўғри йўлга қўйиш эвазига ҳосилдорлик тобора ортмоқда.

Илгари сифатга эмас, маҳсулот миқдорига кўп аҳамият берилар, бу эса истеъмолчиларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўларди. Энendиликда сифатга, планни барча турлар бўйича бажаришга эътибор кучайтирилмоқда. Районда жами 27 хил сабзавот экилса, шундан 8 таси асосий ҳисобланади. Аввалги йили 4, бултур 5 тур бўйича план бажарилган эди. Бу йил 7 тур планини адо этиш кўзланмоқда. Ҳозиргача карам, помидор, пиёз ва саримсоқ сотиш топшириқлари уддаланди. Картошка плани бажарилиш арафасида. Шу кунгача 13.540 тонна картошка етказиб берилди. Яна 560 тонна керак. Кечки картошка жадал йиғиштириб олинмоқда.

Шу йил «Тошкент» агрофирмаси тузилди. Илгари маҳсулот етиштирилар, лекин уни сотишга аҳамият берилмасди. Энди ҳосил етиштирищ, сотиш, қайта ишлаш ва сақлаш доимий назорат остида. Ҳозир район хўжаликларида етиштирилган маҳсулотлар агрофирмага қарашли 57 та магазин ва 13 та дўкон орқали пойтахт аҳолисига сотилаяпти. Агрофирма асосан Киров, Собир Раҳимов ва Октябрь районлари меҳнаткашларига хизмат кўрсатмоқда. Яқинда барча савдо тармоқлари бирлаштирилиб, хўжалик ҳисобидаги корхона тузилди. Натижада учала район аҳолиси бир хилда таъминланмоқда.

Районда қишлоқ хўжалигини саноат негизига ўтказиш борасида муайян ишлар амалга оширилаяпти. Айни пайтда 4 та хўжаликда қайта ишлаш цехлари ташкил этилган.

— Колхоз ва совхозларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган омборлар бўлиши керак, — дейди агрофирма бош директори З. Ҳуснидинов. — Ҳозирча улар фақат Карл Маркс номли колхоз ва «Тошкент» совхозида бор. Қолганларида ҳам яқин орада омборлар, қайта ишлаш цехлари барпо этиш лозим.

Район деҳқонлари ўз имкониятларини чамалаб, яна 7.000 тонна сабзавот топширишни мўлжаллашаяпти.

Ф. АБДУЛЛАЕВ,
М. РИХСИЕВ.



Риштон районидаги «Риштон» совхозида Ҳотамжон ва Турғуной Нишоновлар номи алоҳида ҳурмат билан тилга олинади. Улар пудрат асосида меҳнат қилиб 2 минг товуқнин меҳр билан парваришлашаяпти. Оилавий звено шу кунгача 152 минг дона тухум топшириб, йиллик планни муддатидан илгари ортиғи билан бажарди.

СУРАТДА: тухумлар жўнатишга тайёрланмоқда.

У. ҚУШВОҚОВ фотоси.

НОННИНГ ТАЪМИ ЯНАДА ЯХШИЛАНДИ

Ўрта Осиё темир йўли Самарқанд нон заводида ўрнатилган автомат ускуналар новвойлар меҳнати унумдорлигини ўн баравар кўпайтиришга ёрдам берди. Бу корхонада ўтказилаётган реконструкция ишларининг дастлабки натижасидир.

Заводдаги барча цехлар амалда реконструкция қилинади. Чунончи, печлар ва қозонхона ускуналари ремонтдан чиқарилгач, газ сарфи икки баравар камайди. Хамиртуруш тайёрлайдиган янги машина ўрнатилди. Яқинда кондитер цехи ишга туширилади. Темирйўлчи новвойлар ҳозирча мавжуд ускуналар имкониятидан тўла фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда. Новаторлар печларга пуркагичлар ўрнатишди. Пишириш чоғида қайноқ сув пуркалган нон юмшоқ, қип-қизил ва мазали бўлади. Республиканинг катта-катта нон заводларида шундай натижага эришиш учун эса чет эл ускуналарини ўрнатишга тўғри келмоқда.

Хатларга обзор

НОЗ-НЕЪМАТ ҚАДРИ

Серқуёш ўлкамиз — турфа хил ноз-неъмат макони. Шу боисдан республикамиз меҳнаткашлари мамлакат Озиқ-овқат программаси ижросига, аҳоли дастурхони тўкин бўлишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Тажрибали миришкорлар, юқори ҳосилли коллективлар, хўжаликлар тўғрисида жамоатчи ва қишлоқ мухбирларидан мунтазам равишда хатлар олиб турибмиз.

Жамоатчи мухбир **С. Дадахўжаев** Фарғона районидаги Усмон Юсупов номли совхоз ишчиларининг юрт маъмурчилиги йўлидаги орзу-интилишларини қаламга олган. Хўжаликда бу йил 2 минг тонна ҳўл мева, 4.100 тонна узум, 165 тонна қовун ва тарвуз, кўплаб бошқа хил маҳсулотлар тайёрлаш учун кураш олиб борилди. Боғ ва токзорлар реконструкция қилинди, агротехник тадбирлар вақтида ўтказилди. Пировардида кўзланган мақсадга эришилди.

Қўлимизда бундай мактублар талайгина. **Т. Юсупов, И. Қосимов, Р. Шукуров, С. Исомиддинов, Ш. Маҳмудов, Ж. Муқимов, М. Эшонқулов, Ҳ. Назаров, А. Абдумаликов, Т. Маҳмудов, Т. Оқилов, Б. Шамшев, У. Ҳалимов** ўртоқлар Янгийўлдаги Энгельс номли, Калинин районидаги «Москва», Самарқанд районидаги «Боғиғоғон», Китоб районидаги «Паландара», Яккабоғ районидаги Ленин номли, Деҳқонобод районидаги мева-асаларичилик, Киров районидаги «Партия XXVI съезди», Хатирчи районидаги «Олтинсой», Пахтаобод районидаги «Маданият», Қувасойдаги «Мўйн» совхозлари, Боёвут районидаги «Коммунизм», Пахтачи районидаги «Коммунизм», Ўзбекистон районидаги Ленин номли колхозлар миришкорларининг бунёдкорлик ишларини ёзиб юборишган.

Меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг замонавий усулларини қўлланиш тармоқда яхши самаралар бермоқда. Пудрат асосида иш юритаётган коллективлар тажрибаси буни яққол тасдиқлайди. Самарқанд районидаги Улуғбек номли колхознинг коммунист Бозор Ашуров бошлиқ бригадаси аъзолари жорий йилда гектаридан 600 центнердан сабзавот, шунингдек кўп миқдорда узум, макка дони, беда пичани етиштиришди. Бунда янгича ишлаш қўл келди. **Х. Ҳакимов** ва **А. Муҳаммадиев** ҳамкорликда ёзиб, бизга жўнатган мақолада шу ҳақда сўз юритилган. Шоботлик **Р. Отахонов** хатида «Москва» колхозининг Юсуф Наврўзов бошлиқ оилавий бригадаси пудрат туфайли полизчиликда юксак натижага эришганлиги тилга олинган.

Оржоникидзе районидан **Р. Собиров**, оҳангаронлик **М. Қаюмов**, боёвутлик **И. Бобоев**, урганчлик **Ш. Сафаров**, нуроталик **С. Мустафоев**, Олтинсой районидан **Ж. Қодиров** ва бошқалар ҳам пудратчи коллективлар ҳақида хат-хабарлар йўллашган.

Мингбой Йўлдошев бошлиқ бригада аъзолари боғдорчилик, айниқса лимончиликни ривожлантириш борасида Денов районидаги «Ҳазорбоғ» совхозида барчага ибрат кўрсатаяпти. Коллектив экинлар ҳосилдорлигини тобора оширмоқда, план ва мажбуриятларни ҳар йили зиёди билан бажараяпти. **Х. Қурбонов** ўз хабарида шуни маълум қилган. Редакция бундай мазмундаги хатларни наманганлик **П. Бухоров, В. Сандова, О. Жуманазаров, М. Эргашев**, қашқадарёлик **Б. Бобораҳматов, Х. Тўраев**, самарқандлик **М. Қаҳҳоров**, сурхондарёлик **Н. Тоғайназаров, Н. Зиёев**, андижонлик **Қ. Абдусатторов**, фарғоналик **А. Мадраҳимов**, пойтахт областидан **Т. Дўсанов** ўртоқлардан ҳам олди.

Шуниси қувончлики, почтамизда у ёки бу мавзуда куюнчаклик билан ёзилган мактублар кун сайин кўпаймоқда. Муаллифларимиз турғунлик даври иллаталридан тезроқ қутулиш, тармоқларни жадал ривожлантириш, қайта қуриш йўлидаги тўсиқ ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан дадил фикр-мулоҳазалар билдирмоқдалар. Нишонлик **Ж. Яхшибоев**, яккабоғлик **Ф. Сафаров** ловия, мош, нўхат кунжут каби экинлар камайиб кетаётганлиги ҳақида ёзишса, ғиждувонлик **А. Баҳромов** мевазорларни кўпайтириш зарурлигини таъкидлайди. ТошДУ студенти **М. Ҳожиматов**, самарқандлик **М. Шодиев**, сурхондарёлик **А. Арслонов** ҳам сабзавот ва боғдорчиликдаги муаммолар тўғрисида ёзишган.

Редакция ходимлари жамоатчи ва қишлоқ мухбирларининг хат-хабарларини иложи борича тўлиқроқ ёритишга ҳаракат қилмоқдалар. Шу ўринда айрим мактублардан фойдаланишнинг имкони бўлмаётганлигини таъкидлаш лозим. Масалан, қишлоқ хўжалиги фанлари кандидати **С. Сабуров** «Боғбон ва сабзаватчи» сарлавҳали мақолани икки нусхада юборибди. Уни синчиклаб ўқиб, газетада ёритишга арзигулик бирон янги фикр тополмадик.

Қутлуғ йилда ноз-неъмат бунёдкорларининг яратувчанлик ишларини ҳозиржавоблик билан ёритишда кўмаклашган барча жамоатчи ва қишлоқ мухбирларига самимий миннатдорчилик билдирамиз, улардан янги хат-хабарлар кутамиз.

БИР ЎРИНГА ОЛТИ ДАЪВОГАР

ЯНГИЧА САЙЛОВ ТАФСИЛОТИ

Ҳис-ҳаяжонлар роса қизигани, нуқтаи назарлар, фикрлар тўқнашуви жиҳатидан бу конференция турғунлик йилларидаги зерикарли, таъсирсиз йиғинларга сира ўхшамасди. Биринчидан, кун тартибининг ўзи ғайритабиий: Ўзбекистон ССР Агросаноат комплекси таъсарруфидаги энг йирик янги бирлашма раҳбарини сайлаш, директорлар кенгаши ва унинг президиумини тасдиқлаш. Иккинчидан... Яхшиси, бу ёғини олдиндан айтиб қўймаганимиз маъқул.

Мамлакатда қайта қуриш бормоқда, у билан бирга агросаноат комплекси ҳам либосини ва табиатини янгиламоқда. Бу тармоқда кейинги ойларнинг ўзидагина бошқарув бўғинининг тенг ярми қисқарди. Туб иқтисодий ислоҳот шарофати билан ортиқча уюшмалар тугатилмоқда. Бош бошқармалар, бошқармалар, бўлимлар, корхоналар ва муассасалар ана шундай ихчамлашиш натижасида «ортиқча юк»дан халос бўлмоқдалар, кучли, тўлақонли, катта ишларга лаёқатли вужудга айланмоқдалар. Маҳкамачилик, мажлисбозлик, шовқин-сурон, рапортбозлик барҳам топгани нақадар яхши!

Бу йўналишдаги ишлар ҳали ҳам оз эмас. Улар қадамба-қадам рўёбга чиқарилмоқда. Шулардан бири озиқ-овқат саноати бош бошқармасининг тарқатилгани ва республика ҳукумати қарорига биноан «Узпишчепром» ишлаб чиқариш-илмий бирлашмаси вужудга келганлигидир. Бу ҳодиса яқиндагина, шу йилнинг кузи охирларида рўй берди. Нозиктаъб газетхон, эҳтимол, ўзича кулиб қўяр, эски идоранинг ёрлиғи шунчаки янгиланибди-да, деб ўйлар. Бунинг устига магазинларга озиқ-овқат маҳсулотлари оқими кўпаймаяпти-ку... Келинг, гумонсирашга шошилмайлик. Халқимиз таъбири билан айтганда, омон бўлсак кўрармиз. Фақат шуни таъкидламоқчимизки, янги бирлашма Давлат корхонаси (бирлашмаси) ҳақидаги СССР қонунига мувофиқ тузилди ва унинг янги усулларда, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш, ўз харажатларини ўзи қоплаш шароитида ишлаши кўзланган. Бундан буён унинг бирор бўғинида узилишга йўл қўйилса борми, бу ҳол бутун коллектив елкасига жиддий зарба бўлиб тушади. Демак, ҳамма нарса учун бирлашманинг ўзи жавобгар.

Республика озиқ-овқат саноати тармоқлари олдидаги вазифалар эса ғоят мураккаб эканлиги барчага маълум. Шуни эслатиш кифояки, Ўзбекистон аҳоли жон бошига озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш жиҳатидан умумиттифоқ даражасидан анча орқада турибди. Мамлакат аҳолиси қарийб 7 процента республикамизда яшайди, улар ҳисобига тайёрланаётган гўшт, сут ва сут маҳсулотлари атиги 2 процентга, мол ёғи бир процентдан ҳам озроққа, консервалар 5 процентга, кондитерлик маҳсулотлари 4 процентга тўғри келади. Баъзи маҳсулотлар бўйича Ўзбекистон иттифоқдош республикалар ўртасида пастдан иккинчи, учинчи, тўртинчи ўринларда туради.

Озиқ-овқат программасини бажариш борасида рўй берган аҳвол учун Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитетининг озиқ-овқат саноати бош бошқармаси кўп жиҳатдан жавобгар, албатта. Шуниси ҳам борки, ўз навбатида мазкур бошқарма аввалги тузилишида, амалдаги иқтисодий муносабатларда сарф-харажатларни камайтириш, янги марраларга кўтарилишнинг уддасидан чиқолмади. Мана энди янги бирлашма тузилди. Уни ишчан, ҳаракатчан, обрў-эътиборли, кенг кўламларни қамраб ишлай оладиган, истиқболни кўра биладиган кишилар бошқаришлари ниҳоятда муҳимдир.

Конференция иштирокчилари бу анжуманни **республика озиқ-овқат саноати корхоналари** ҳамда ташкилотлари вакилларининг биринчи анжумани деб эълон қилдилар. Юқорида баён этилган хулосалар сўзга чиққан нотиқлар, жумладан, «СредазНИПКИпишчепром» лабораториясининг мудири И. Қодиров томонидан ўртага ташланди. У бундай деди: «Келажакдаги муваффақиятларимизнинг ҳаммаси аввало бугун биз бошқарма раҳбарлигига кимни сайлашимизга боғлиқ. Мен янгича ишлай биладиган, маъмурий-буйруқбозлик услубидан батамом воз кечган, чуқур иқтисодий тафаккурлаш қобилиятига эга бўлган, илмий-техника тараққиёти жонкуяри ҳисобланган номзод учун овоз бераман».

Демократия ва ошкораликнинг жонли тимсолига айланган конференцияга қадар озиқ-овқат саноати ходимлари ўзларини тўлқинлантирган масалалар, жумладан, бирлашма раиси номзоди ҳақидаги фикрларини билдириш имкониятига эга бўлдилар. Эслатиб ўтамиз: бирлашма тасарруфига ёғ-мой саноатининг 19, кондитерлик саноатининг 10 корхонаси, чой қадоқлаш фабрикаси, тамакини ферментловчи завод, бундан ташқари Тошкент озиқ-овқат масаллиқлари комбинати, алкоголсиз ичимликлар ва пиво тайёрловчи корхоналар, Тошкент тажриба-механика заводи, «Узпишчетранс» бирлашмаси, «Узглавпишчеснабсбит», озиқ-овқат саноати лойиҳалаш-конструкторлик илмий-тадқиқот институти ва ҳоказолар киради. Хуллас, 44 корхона, муассаса ва ташкилот вакиллари ўз делегатларини конференцияга юборишган, уларга раҳбариятни очиқ овоз бериш йўли билан сайлашни ишониб топширишган. Ҳар 150 ишловчидан бир делегат, жами 140 нафар. Шуниси диққатга сазовор ва давр руҳига ҳамнафаски, делегатларнинг ҳаммаси анжуманда ҳозир бўлди, унинг ишида қатнашди.

Сайловга қўйиладиган номзодларни танлаш бўйича собиқ бош бошқарма, эндиликда эса бирлашма бошлиғининг ўринбосари П. Д. Арсентьев бошчилигидаги 11 кишидан иборат конкурс комиссияси ниҳоятда жўшқин ва жонли иш олиб борди. Конкурс шартлари ишлаб чиқилди. Шунга биноан бўш ўринни эгаллашни истовчилардан талабномалар олинди. Улар олий махсус маълумотга, камида ўн йиллик иш давомийлигига эга бўлишлари, ишлаб чиқариш экономикасини яхши билишлари керак. Раҳбарлик лавозимида камида беш йил ишланган, эллик беш ёшдан ошмаган бўлиши зарур.

Сайловга бир ой қолганда олтита талабнома тушди, овозга эса шулардан учтаси қўйилди. Комиссия амалий иш тажрибаси етмаганлиги учун бир номзодни инобатдан соқит қилди. Бошқа талабгор ўз истагидан воз кечди. Учинчисига эса талабномани кечроқ бергани учун рад жавоби айтилди.

Шу тариқа уч номзод қолди. Хўш, кимлар улар? Мана, қисқача таржимаи ҳоллари.

ҲАМИДОВ НЕЪМАТУЛЛА ИБРОҲИМОВИЧ, 1939 йилда туғилган, 1963 йилдан КПСС аъзоси, ўзбек, олий техник ва партиявий-сиёсий маълумотли. Тошкент политехника институтини тамомлагандан сўнг Каттақўрғон ёғ-мой комбинатида смена мастери, инженер-технолог, смена бошлиғи, ёғни қайта ишловчи завод бошлиғи, 1963 йилдан Учқўрғон ёғ-экстракт заводи бош инженери, шундан сўнг ана шу завод директори, «Узрасжирмаслопром» республика ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош инженери, Ўзбекистон ССР Давлат план комитети озиқ-овқат саноати бўлимининг бошлиғи вазифаларида ишлаган, айни пайтда ўша жойда қайта ишлаш саноати бўлимини бошқаради.

ҚОСИМХЎЖАЕВ БОТИР ҚУЧҚОРОВИЧ, 1939 йилда туғилган, 1962 йилдан буён КПСС аъзоси, ўзбек, олий маълумотли, 1962 йилда Тошкент политехника институтини тамомлаган, 1977 йилда Тошкент шаҳар партия комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм университетини битирган. «Тошкентвино» комбинатида инженер-ректификатор, кейин бош инженер бўлган. 1976 йилда партия ишига кўтарилган — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қишлоқ хўжалиги бўлимида инструктор, сектор мудири, бўлим мудири. Ўринбосари лавозимларида фаолият кўрсатган. 1983—1985 йилларда — Бухоро область партия комитетининг секретари. 1985 йилда Ўзбекистон ССР озиқ-овқат саноати министри қилиб тайинланган. 1986—1988 йилларда Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети раисининг ўринбосари, бир вақтнинг ўзида «Узпишчепром» республика ишлаб чиқариш-илмий бирлашмаси раиси.

Техника фанлари кандидати, 14 та илмий иш муаллифи. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати. Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Шавкатли меҳнати учун» медали, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган. Раҳбарлик лавозимларидаги иш давомийлиги 17 йил, озиқ-овқат саноати тармоқларида эса жами 26 йил.

САЛОМОВ ҲИДОЯТ ТОЙИРОВИЧ, 1942 йилда туғилган, 1975 йилдан буён КПСС аъзоси, ўзбек, олий маълумотли, 1967 йилда Тошкент политехника институтини тамомлаган, мутахассислиги бўйича виночилик технологи.

Бухорода катта лаборант, вино тайёрловчи бўлиб ишлаган. Техника фанлари кандидати. Бухорода мазкур тармоқ бўйича раҳбарлик лавозимларида ишлагандан сўнг Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлигида бўлим бошлиғи вазифасини бажарган. 1984 йилдан 1987 йилгача — Тошкент политехника институти кафедраси доценти. 1987 йилдан буён «СредазНИПКИпишчепром» институти директори.

Шубҳасизки, номзодларнинг ҳаммаси муносиб — касб маҳорати жиҳатидан етарли тайёргарликка, катта тажрибага эга. Лекин эндиликда, олайлик мазкур конференцияда, аввалги хизматлар ҳисобга ўтмайди. Нотиқлар буни унутишгани йўқ, аммо теппа-тенг шароитда энг муҳими — даъвогарнинг қандай программа билан чиқиши, тўпланиб қолган кўпдан-кўп масалаларни ечишга тайёр ёки тайёр эмаслигидир.

Ана шундай қозиқ нозирлик фазилатлари Б. Қ. Қосимхўжаевда кўпроқ мужассамлашгани аён бўлди. У ўз нутқида бирлашма тасарруфига киритилган тармоқлар товар маҳсулот ишлаб чиқариш ўн бир ойлик планини 107,9 процент бажарганликларини, лекин бу ютуқ хотиржамланиш учун асос бўлолмаслигини таъкидлади, 10 та корхона ана шу кўрсаткич бўйича топшириқни адо этолмагани, қатор корхоналарда фойда олиш плани бажарилмагани тўпланганларга маълум. Беруний ва Чимбой ёғ заводлари, Олмалиқ ва Самарқанд кондитер фабрикалари, Нукус пиво заводи ҳамон зарар келтириб ишламоқдалар.

Хўш, булардан қандай хулоса чиқариш керак? Аввало товар-материал бойликларни нормативга мувофиқлаштириш, ижтимоий ресурслар харажати устидан қатъий назорат ўрнатиш, ҳисоб-китобни намунали йўлга қўйиш зарур. Ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплаш шароитига ўтиш жараёнида бошқалар ҳисобига яшаш ҳамда ишлаш ақлга сиғмайдиган гап. Ниҳоят харажатларни даромадлар билан чоғиштиришни ўрганмоқ лозим. Ҳар бир кишининг онгида ишлаб чиқариш соҳиби туйғусини уйғотмоқ шарт.

Республикада аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш юзасидан 2000 йилгача бўлган давр учун махсус программа ишлаб чиқилган. Бирлашма унинг ижросига салмоқли ҳисса қўшмоғи керак. Бунинг учун маргарин, майонез, салат мойи, кондитер маҳсулотлари, алкоголсиз ичимликлар, хамиртуруш, қадоқланган чой ишлаб чиқаришни юксак суръатлар билан ривожлантириш талаб этилади. Янги корхоналар қуриш ва янги хил маҳсулотлар — озиқ-овқат концентратлари, мева-глюкоза шарбатлари ва ҳоказоларни тайёрлаш ўзлаштирилмоғи зарур. Анчагина қувватларни таъмирлаш, техникавий қайта қуролланиш билан боғлиқ катта ҳажмдаги ишларни бажариш лозим. Илм-фан, айниқса тармоқ фани таъсирини кучайтириш мақсадида СССР Агросаноат давлат комитети буйруғига биноан «СредазНИПКИпишчепром» тажриба-конструкторлик илмий-тадқиқот институти мазкур бирлашма ихтиёрига ўтказилди.

Б. Қ. Қосимхўжаев баён этган программанинг чуқур ўйланганлиги, тарози палласига яхшилаб қўйилганлиги тўпланганлар томонидан мақтулланиб кутиб олинди. Шу сабабли унга кўп савол тушмади. Шуниси ҳам борки, берилган саволлар ғоят ўткир эди. Масалан, Самарқанд тамаки ферментлаш заводи техник-назорат бўлими мастери А. Ғозиевнинг қуйидаги саволини олиб қарайлик.

— Урғутда етиштирилган тамакини ферментлаш ва қайта ишлаш топшириғи ўз ифодасини топган телеграммангизни қандай тушунмоқ керак?

Саволнинг «қалтис» томони шуки, тамаки ишлаб чиқариш ҳажми ошиб бораётганлиги сабабли мазкур хом ашё ўтмай қолаяпти. Оқибатда унинг сифати бузилмоқда. Шунинг учун ҳам завод коллективи соҳибларча мустақиллик кўрсатиб, уни республикадан ташқарига жўнатишга қарор қилдилар. Ҳам осон, ҳам енгил йўл. Лекин шуниси чатоқки, бундай қолда ҳар тонна тамакидан 5 минг сўм даромад олинади, қайта ишланганида эса бу икки баравар кўп бўлади. Шу тариқа тармоқ 50 миллион сўмни бой беради. Бу эса республика товар маҳсулоти умумий ҳажмига салбий таъсир кўрсатади. Қаранг-а, нақадар ҳисобдонлик! Муаммони бошқа бировларнинг манфаатларига зиён етказмасдан ҳал этиш вазифаси кўндаланг турибди. Лекин телеграма юборилган-ку, бу ёғи нима бўлади? Аниқлик киритилди: телеграмма СССР Агросаноат давлат комитети томонидан қўшимча нарядлар беришга ваъда қилинганидан сўнг жўнатилди.

Қуйидаги савол зални анчайин тўлқинлантирди:

— Медиклар Гиппократ қасамини қабул қиладилар, сиз-чи, Ботир Қўчқорович, қанақа қасам ичасиз?

— Ҳалол-покиза ишлаш. Кадрлар қўнимсизлигини тўхтатиш, бунинг учун одамларни ғамхўрлик билан қуршаб олиш, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашга алоҳида эътибор беришга ваъда қиламан.

Ҳ. Т. Саломовга бирмунча кўпроқ саволлар тушди. Делегатларнинг нутқларида янграган танқидий мулоҳазалар ҳам анчайин. Лекин бирортаси ҳам нафсониятга тегадиган эмас эди. Тўпланганлар Ҳидоят Тойировичнинг сўзларини диққат билан тингладилар. У ёғ-мой саноатида илмий-техника тараққиёти масалаларига алоҳида урғу берди. Муҳокама жараёнида даъвогарнинг сўзи ва иши у қадар қовушмаслиги маълум бўлди. Ўзингиз ўйлаб қаранг: тармоқ институтини бошқарар экан, Ҳ. Т. Саломов ишлаб чиқарувчиларни самарали илмий ечимлар билан тўла таъминлагани йўқ. Институтдан кетгач бу ишни қандай бажаради?

Конференцияда Н. И. Ҳамидов билан бўлган гап-сўзлар анча кескин, аёвсиз кечди. Ахир Госплан қачонгача баланслаштирилмаган планларни сақлаб тураверади! Контрол рақамлар йил сайин бажарилмаяпти-ку!

Конференцияда ўртага қўйилган кўпдан-кўп муаммоларга тўхталиб ўтирмаймиз, лекин энг муҳим жиҳатларни таъкидлаймиз: очиқ-ойдин, бевосита манфаатдорлик билан тўғридан-т

Чингиз АЙТМАТОВ таваллудининг 60 йиллигига

«ЕР ҲАМ СУВ-ЛА ҲАМКОР, ЯККАЛАМ...»

АДИБ ПУБЛИЦИСТИКАСИ ҲАҚИДА ЎЙЛАР



«Ер ҳам сув-ла ҳамкор, яккалам...» Бу — таниқли қабарда-болқор шоири Давид Кўғултиновнинг шеърий сатри. Улкан қирғиз адиби Чингиз Айтматов публицистик асарлари мажмуаларидан бирининг номи. Қадрдон дўстига ҳурмат-эътиқод рамзи сифатида ундан «қарз»га олинган бу биргина сатр Чингиз Айтматовнинг бой, серқирра ижоди мазмун-моҳияти, мавзу ва муаммо доираси, яна кўп нарсаларни ажиб бир тарзда қамраб, лўнда ифодали тасвирлаб турибди.

Бу номга илк бор кўзи тушган ўқувчининг хаёлига дафъатан шундай фикрлар келади: ҳа, Чингиз Айтматов ижодининг асосий йўналиши, бош қаҳрамони — Инсон. Оддий, камтар, заҳматкаш, ижодкор, мушфиқ, меҳрибон, қалби бир олам Ҳазрати инсон. Бу кўҳна дунёнинг эгаси, бунёдкори, меъмори у. Ер деб аталмиш сайёранинг фаранди. Унинг тириклиги, тақдири, шодлиги ташвишлари, бахти ва бахтсизлиги Ер, Осмон, Сув, Ҳаво билан боғлиқ. У шулар билан ҳамкор, ҳамдаст ижод қилади, олам китобини биргаликда яккалам этади. Уларни айри-айри тасаввур этиш қийин. Биргина сатрда мана шундай кенг, теран мазмун, бой маъно жо.

Чингиз Айтматов публицистикаси, бадиий асарлари сингари, мафтункор ва жозибадор, қамровли ва ҳузурбахш, мароқли ва пурҳикмат, бир сўз билан айтганда, жасорату маҳорат ҳосиласи.

Бу бежиз эмас, албатта. Адиб ГДР мунаққиди Хейнц Плавиус билан суҳбатда: «Кўпжанрлилик» бир шартга риоя қилингандагина яхши. Ёзувчи ўз савиясининг тушишига йўл қўймаслиги керак... Менга келганда, ижодий иш турларини ўзгартиришга алоҳида мойиллигим бор ва бу борада устаси фарангман, дея олмайман. Лекин нимага қўл урмайин, уни маромига етказиб бажаришга ҳаракат қиламан», деган эди.

Чингиз Айтматовнинг очерк ва эсселари, мақола ва хатлари, суҳбат ва нутқлари қамровининг кенглиги, маъносининг теранлиги, оҳори тўкилмаган, кутилмаган далил ва мисоллар, босиқ ва эҳтиросли, чўғ ва чўғдор фикрларга, санъаткорона мушоҳада, фалсафий муҳокама, публицистик мулоҳазаларга бойлиги, тилининг соддалиги, шиорадорлиги, образлилиги, рангдорлиги, сўз ва ибораларнинг аниқлиги, тиниқлиги, мантиқан далилланганлиги ҳамда ишонарлилиги, жозибадорлиги, яна кўп фазилатлари билан ажралиб туради. Ва бу фазилатлар бирданига, ғойибдан пайдо бўлиб қолган эмас.

Чингиз Айтматов публицистикаси ҳаётий ва ижодий тажрибаси катта, билими, савияси жуда кенг, иттифоқ, ҳатто жаҳон адабиёти хазинасини кўп, хўп ўқиб мағзини чаққан, гражданлик туйғуси кучли, мамлакат тақдирига чуқур дахлдор, дунё воқеаларидан яхши хабардор, олам зарбини юраги қаъридан ўтказувчи, далил, ҳодиса, жараёнларга замонавий онг, сайёравий тафаккур юксаклиги ҳамда теранлигидан қараб ҳукм чиқарувчи, баҳо берувчи дониш, етук, истеъдодли ёзувчининг публицистикасидир.

Энг аввало, мавзу кўлами, муаммо доирасининг кенглиги, ранг-баранглигини алоҳида таъкидлаш лозимки, бу, ўз навбатида, муаллиф савияси, қизиқиши, тафаккур уфқининг кенглиги, гражданлик туйғусининг ўткирлиги билан изоҳланади. Тинчлик ва демократия, мамлакатлар, халқлар ўртасида дўстона, тотув муносабатлар, маданиятлар ҳамкорлиги каби муаммолар Ч. Айтматовнинг халқаро мавзудаги публицистикасида муҳим моҳият касб этади. ГДРлик йигирма икки ўқувчининг адибга йўллаган мактублари, СССР космонавти билан АҚШ астронавтининг космосда бир оила фарзандларидаги умумий улуғ бир ишни бажаришлари, Швеция бош министри, тинчлик учун таниқли курашчи Улоф Пальменинг қотил ўқидан ҳалок бўлиши, Хиросима билан Нагасаки фожиаларининг қирқ йиллиги, ўзи аъзо бўлган Европа илм, санъат ва адабиёт академияси — ЕНАИЛ ассамблеяси, ташаббускори ҳисобланган «Иссиққўл анжумани» гурунглари, ёзувчилар, маданият арбоблари, тинчлик тарафдорларининг халқаро анжуманлари каби турли-туман воқеалардан таъсирланган, илҳомланган адибнинг мақола, хат, нутқ, суҳбатлари матбуот юзини кўрди, эфирдан, экрандан жаранглади, журналистикада улкан воқеа бўлди.

Кўпмиллатли, тенглар ичра тенг республика— Қирғизистон ҳаёти, иқтисодиёти, фани, маданияти, санъатига дахлдор бирор муҳим воқеа йўқки, Чингиз Айтматов муносабат билдирмаган бўлсин. Иккинчи томондан, бирор тарихий ҳодиса рўй берса, адабиёт, санъатда эсда қоларли асар яралса, ўқувчилар «Чингиз оға нима деркин, қандай фикрдайкин?» дея кутиб туришади, тўғри, холис, дадил гап ундан чиқишига ишонишади. Адиб аввал публицистикаси, кейин бадиий асарлари билан (баъзан аксинча ҳам бўлади) муштоқ ўқувчилар кўнглини топади, саволларига жавоб беради. Одамлар, ишлар, муаммолар ҳақида очерк ва мақолалар, Қирғизистон пойтахтида янги кутубхона, янги аэропорт ишга туширилиши, Тўқтағулга ҳайкал қўйилиши, шаҳар қурилиши муаммолари, океан янглиғ «Манас»дан миллион сатр билувчи Саёқбой Қоралаевга аввал қасида, вафоти муносабати билан марсия, 200 жилд «Жаҳон адабиёти кутубхонаси» нашрининг ниҳоясига етиши, Шекспир, Толстой, Достоевский, Шолохов, Шостакович, Авезов, Твардовский, Айний, Миртемир, Қайсин Кулиев ва бошқа машҳур сўз санъаткорлари ҳаёти, ижодига боғлиқ саналар муносабати билан айтилган илиқ, таъсирли, теран сўзлар, ҳамкасб дўстлари Р. Гамзатов, Д. Қўғултинов, В. Биков, В. Распутин, О. Ёқубов кабиларнинг асарлари таҳлили, хорижий ёзувчилар ҳақидаги фикрлари, мулоқотлари, халқлар дўстлиги, миллий муносабатлар, лисоний сиёсат, маданий ҳамкорлик, бадиий таржима, адабий-танқидий жараён, санъат сингари долзарб, масъул мавзулардаги доимий, маъқул чиқишлари, адиблар, мунаққидлар, санъаткорлар, ўқувчилар билан кўпдан-кўп мулоқотлари, ёзишмалари... — мана шу умумий, қисқа саноқнинг ўзиёқ публицист Чингиз Айтматов қизиқишининг доираси, нигоҳининг уфқи нечоғли кенг ва теран эканлигидан далолат бериб турибди.

Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон ўзи алоҳида бир мавзу. Чингиз оға республикамиз, халқимизнинг жонкуяр, оқибатли дўсти, ҳамиша азиз, ардоқли меҳмонидир. «Пахтанинг ойдин йўли» очерки, «Қайта қуриш, демократия — омонлик дарахти» мақоласида бой тарихга, маданиятга эга, меҳнатсевар, меҳмондўст, камтар ўзбек халқи, қўли гул пахтакорларимиз, адабиётимиз, санъатимиз, ойдиналримиз ҳақида битган илиқ сўзлари, республикамиз ёзувчилари, журналистлари, таржимонлари, санъат аҳли билан ижодий мулоқотлари, ёзишмалари, диёримизга тез-тез ташриф буюриб, ижодкор зиёлиларимизни қабул қилиб, суҳбатлашиб туришини, хурсандлигию ташвишлари билан рўй-рост, самимий ўртоқлашганини эслайлик.

Чингиз Айтматовнинг очерк ва эссеси, мақола ва тақризи, хати ва суҳбати — маҳорат самараси, бадиий-фалсафий, публицистик санъат меваси. Бу асарларнинг кўпчилиги, мана шу фазилатларига кўра муаллифнинг талабчанлик, камтарлик қилиб айтган «мавсумий» деган баҳосини рад этиб, узоқ яшаши шубҳасиз. Адиб публицистикаси ҳақида сўз юритиш ўз-ўзидан унинг маҳорати ҳақида мушоҳада қилиш демакдир.

Бунда аввало шижоат ва жасорат алоҳида таъкидланишга лойиқ. Шу ўринда Абдулла Қаҳҳорнинг, мабодо ёзувчининг ахлоқ кодекси тузиладиган бўлса, энг биринчи моддаси қилиб шижоатни қўяр эдим, деган маънода айтган гаплари беихтиёр ёдимизга келади. Бошқалар менг андиша, эҳтиёткорлик қилиб, баъзан рўй-рост чўчиб айтолмаган гапни биринчи бўлиб, асослаб, далиллаб, маромига етказиб айтиш, долзарб, ўткир, газакли муаммоларни бутун мураккаблиги билан кескин ўртага қўйиш, кўпчилик дилининг тўрида, тилининг учида турган жиддий масалани жамоатчилик ҳукмига баралла олиб чиқиш Ч. Айтматовнинг бадиий асарлари каби мақола ва хатлари, нутқ ва суҳбатлари учун ҳам хосдир. Айрим етилган, нозик муаммолар, айтайлик, адибнинг ўзи, ҳамкасблари ижодидан келиб чиқиб қўйилган ёки Қирғизистон ҳаётидан олинган, ёхуд бошқа мавзуга бағишланган, таҳлил-тадқиқ қилинган бўлади. Лекин айни шу муаммо кўп ҳолларда Ўрта Осиё, бир қанча қардош республикалар учун ҳос, аллақачонлардан бери жамоатчилик фикрини банд этиб, ўйлантириб, ташвишлантириб, ечимини кутиб ётган муаммо бўлиб чиқади. «Олтин дарвозалар» (1969), «Анъаналарнинг ўзаро алоқадорлиги» (1972), «Маънавий таянч» (1977), «Бари барчага дахлдор» (1980), «Одамийлик... дефицитми?» (1981), «Она тили мўъжизаси», «Сўзга ажратилган бир соат» (1982), «Ҳаёт қадр-қиммати» (1986), «Инсонга ишонаман», «Кўзимиз очилиши баҳоси» (1987), «Қайта қуриш, демократия — омонлик дарахти», «Заминимиз зил кетяптими?» (1988) каби мақолалари, суҳбатлари бунинг мисоли бўла олади. Экология, ахлоқ, маънавий қадриятлар, маданиятлар ҳамкорлиги, миллийлик ва интернационаллик, лисоний сиёсат, тарихга муносабат каби жиддий, нозик масалалар, уларнинг турли жиҳатлари хусусида энг эътиборли, асосли, ҳалол, адолатли, мақбул гапни биринчилардан (кўпинча биринчи) бўлиб Чингиз Айтматов марказий матбуот саҳифаларида, эфир ва экрандан айтди. (Албатта, бу масалалар хусусида анча-мунча асарлар битилган, турли-туман фикр-мулоҳазалар айтилган, лекин сир эмаски, буларнинг баъзиларида жасорат бўлса маҳорат, маҳорат бўлса жасорат, айрим ҳолларда иккиси ҳам етишмаслиги маълум бўлиб қолади).

«Курьер ЮНЕСКО» журналининг 1982 йил август сонида Ч. Айтматовнинг «Она тили мўъжизаси» мақоласи босилди. Сарлавҳасидан ҳам кўриниб турибди, бу асар халқлар ва элатларнинг она тилига мўъжаз публицистик қасидадир. Мана ўша қасидадан айрим сатрлар:

«Биз она тилимизнинг мўъжизасидан ҳайратланишдан чарчаймиз. Ёшликда ўрганилган, ўзлаштирилган она тилигина қалбни халқ тажрибасида юзага келган поэзия билан тўлдириши, инсонда миллий ифтихорнинг илк сарчашмаларини уйғотиши, аждодлар тилининг серқатламлиги, сермаънолиги билан эстетик завқ-лаззат бериши мумкин». Ёзувчининг таъкидлаши ва огоҳ этишича, ҳар бир халқнинг тили ўша халқ даҳоси билан яратилган жавоҳир уммонидирки, уни унутиш, камситиш фақат оғир йўқотишларга олиб келади.

Ҳажман қисқагина мақола далиллар ва фикрларга, таҳлил ва хулосаларга беҳад бой. Публицист журналнинг бир қанча тилда босилиши, кўпгина мамлакатларга тарқалишини ҳисобга олиб, бир қанча масалалар юзасидан лўнда, аниқ, ишонарли фикрлар баён қилади. Салкам иккиминглик доғистонликлар 30 дан ортиқ тилда гаплашишлари, 5 тилда газета чиқаришлари, 7 тилда театр қўйишлари, 9 тилда китоб нашр этишлари далилини келтираркан, публицист Совет Иттифоқида катта-кичик халқларнинг тили, маданияти, ҳам тилнинг ички ривожланиши, ҳам жаҳон илғор тиллари маданияти томонидан бевосита ва билвосита бойиётгани, рус тили воситачи, кўприк сифатида халқлар тақдири, бадиятини бирлаштиришда улкан моҳият касб этаётганлиги, бу тил кўпчилик учун иккинчи она тилига айланганлигини ЮНЕСКОнинг нуфузли органи орқали жаҳон афкор оммасига маълум қилади.

Рус тилини мукаммал эгаллаган, ўз асарларини қирғиз ва рус тилларида ёзадиган Ч. Айтматов она тилига буюк садоқат, рус тилига улкан муҳаббат ҳақида кўп гапиради. Адибнинг эътиқодича, миллатлар, халқлар ўртасидаги тенглик энг аввало тиллар ўртасидаги тенгликда ўз ифодасини топади ва шундай бўлиши ҳам керак. Бу жиҳатдан унинг мунаққид Ирина Ришина билан суҳбати диққатга сазовор. Миллий адабий тиллар, уларда рўй бераётган жараёнлар ҳақида тўхталиб ёзувчи, жумладан, шундай дейди: «Рус тили — улуғ тил, лекин бу бошқа миллий тилнинг ички қонуниятларига эътибор қилмасликни ва унга, хусусан рус тилидан киритмаса бўладиган нарсаларни ҳам киритаверишни англатмайди». Қирғиз тилида «ҳақиқат» сўзининг ўндан ортиқ синоними бўлгани ҳақда область газеталаридан бири «Иссиққўл правдаси», иккинчиси «Норин правдаси» дея номлашини ғалати ҳол деб биладо. Адибнинг фикрича, бу, биринчидан, рус тилини бузиш бўлса, иккинчидан, қирғиз тилини таҳқирлашдир. Республикада юзлаб мактаблар қурилаётгани ҳолда Фрунзеда қирғиз мактаблари кўпаймаётганлигига таассуф билдиради, қирғиз тилида болалар боғчалари очиш вақти аллақачон етганини, ўз таянчига суянмаган миллий маданиятни тасаввур этиб бўлмаслигини таъкидлайди.

Ёзувчининг бир мулоҳазаси жуда тўғри, ўринли ва Қирғизистон учунгина хос эмас: мана шундай дардли фикрлар айтилганда, дарҳол буни миллатчиликка, қарашлар торлигига йўғовчи одамлар топилади, кўп ҳолларда амалпарастликдан келиб чиқадиган бу ўта ҳушёрлик майли нимагадир лозим даражада қораланмайди. Ушбу нозик ҳуш майл, ўз навбатида, сафсатабознинг алоҳида хилини — рус тилини ўринли-ўринсиз мақтаб кўкка кўтарувчи, ўз тилининг ҳамиятини ерга уруувчи минбарвоз воизларни келтириб чиқаради. «Халқнинг бойлиги — унинг тилида, ҳар бир тил ўз халқи учун буюкдир», — дейди ёзувчи.

«Литературная газета»да эълон қилинган ушбу суҳбат (1986) бир қанча республикаларда, жумладан бизда ҳам таржима қилиб берилгани бежиз эмас. Ч. Айтматов халқнинг нақ дилидаги гапни топиб айтди, айни чоғда, миллий тиллар, миллатлараро муносабатлардек нозик масалада ҳар бир сўзни, фикрни ҳидлаб, тирноқлаб кўрадиган ҳарфхўрликни, йўқ жойдан ишкал чиқариб шақилдоқ чаладиган, саллани ол деса каллани олишга тайёр турадиган «ашаддий ватанпарвар»ларни қуролсизлантирди.

Унинг публицистикаси қулайлик учун, мавзу-муаммо йўналишлари бўйича умумлаштириб қараладиган бўлса, булар, даставвал, тинчлик учун кураш, дўстлик ва интернационализм, ташқи ва ички сиёсат, экология, маънавий-ахлоқий қадриятлар, адабиёт, санъат, фольклор, ижодий жараён, адабий-бадиий танқидчилик, маданиятлар ҳамкорлиги, тил ва таржима масалалари яна ҳоказо, ҳоказолардир. Таъкидлаш керакки, ҳеч бир муаммо Ч. Айтматовда шунчаки тарзда, нарибери қилиб, якка ҳолда олинмайди, балки бир қанча муаммо ва масалалар оғушида, улар билан узвий боғлиқликда кўрилади, таҳлил-тадқиқ этилади. Шу маънода адиб мақолалари ва суҳбатларини сертомир, сершох, катта дарахтга қиёслаш мумкин. Бош муаммо — ўқ томир, ўзак шох бўлса, катта-кичик шохчалар, томирчалар— масалалар ўзак шох, ўқ томирга — асосий масалага туташиб, чирмашиб, дарахт-асарни янада бақувват, жозибадор этади. Масалан, адибнинг Осиё, Африка мамлакатлари ёзувчилари конференцияларида сўзлаган нутқлари, чет эллик ёзувчилар, мунаққидлар билан суҳбатлари тинчлик, озодлик, демократия, ҳамкорлик, интернационализм муаммолари билан албатта узвий боғланган бўлади. Ижодий жараён, адабий асарлар таҳлилига бағишланган мақолаю суҳбатларининг кўп нуқталари экология, ахлоқ, маънавий қадриятлар муаммоларига бориб тақалади.

Чингиз оғамиз энг кўп эътибор берадиган қутлуғ ва масъул қирра борки, бу — тинчлик учун кураш мавзуси. «Авваламбор — тинчлик», «Тинчлик акси садоси» — булар марказий матбуотда босилган мақолаларининг номлари. Аксарият мақола ва хатлари, нутқ ва суҳбатлари бевосита ё билвосита тинчлик муаммоларига бориб тақалади. Ёзувчининг муаммога **замонавий онг, сайёравий тафаккур** уфқи даражасидан қараши, таҳлил-тадқиқ қилиши публицистик асарларига ҳам хос энг муҳим хусусиятдир. Бу тушунчаларни биринчилар сафида қўллаган, истеъмолга киритган ҳам Чингиз Айтматов бўлди.

Сайёравий тафаккур (планетерное мышление) деганда нимани тушуниш керак? Арманистонлик мунаққид Г. Атрян билан суҳбатида сайёравий тафаккур деган тушунча ўз-ўзича янги эмаслиги, турли фалсафий мактаблар олимлари асарларида учрашини айтиб, фалсафий таълимот тор доирадаги одамлар, мутахассислар учун, бадиий адабиёт эса миллионлаб ўқувчиларга мўлжалланганини таъкидлайди.

«Сайёравий тафаккурнинг моҳияти шундаки, ҳар бир одам бошқа одам, ўзга мамлакат одамлари ҳақида ўзи ҳақида ўйлагандек ўйласин, уни бошқаларнинг дард ва бахти, нохушлик ва байрамлари ташвишлантирсин, токи уни бу оламда қандай яшаш, уни яхши томонга ўзгартириш учун нима қилиш керак, деган саволлар доимо безовта қилиб турсин», — дейди ёзувчи. Мунаққид В. Коркин билан суҳбатда замонавий онг, тафаккур тушунчаси даставвал илғор, прогрессив, инсонпарварлик ғоялари даражасида фикрлаш салоҳияти ва санъати эканлигини, у ўз моҳиятига кўра ҳақиқий интернационализмни, ўзга халқлар маданияти, миллий тиллар, маънавий қадриятларни чинакам ҳурматлаш, замон ва макон бирлигида фикр юрита билиш, бугунги кунда эртаги куннинг овозини илғай ва эшита билиш уқувида, маҳоратида деб билади. Адибнинг «ГДРлик 22 ўқувчи мактубларига жавоб»и (1968), «Хельсинки руҳи», «Бари барчага дахлдор» (1980), «Она тили мўъжизаси» (1982), «Босқинчи қаҳрамон бўлолмайди» (1983), «Ақл-идрок ядро қуршовида», «Йиғлаганда бош эгиб, нафратда тик туриб» (1985), «Биз очиқчасига гаплашиб олдик» (1986) каби мақолаларида, Осиё, Африка, Лотин Америкаси ёзувчилари конференцияларида, «Иссиққўл форум»ида, турли халқаро симпозиум, анжуман ва бошқа мўътабар йиғинларда сўзлаган нутқларида, АҚШ адиби Курт Воннегут билан (1976), америкалик радиошуштувчилар билан (1984) суҳбатлари, ГДРлик Хейнц Плавиус билан «Одам ва олам, етмишинчи йиллар», Армтауд Гучка билан «Ёзувчи — даврининг виждони» (1980) мавзуидаги, «Ҳамкорлик қилмасдан яшаб, бўлмайди» мавзуида В. Кобиш билан (1982), «Ҳиндистон яқин бўлиб қолди» мавзуида М. Салганик билан (1985) мусоҳабалари ва бошқа асарлари замонавий онг, сайёравий тафаккур кенглиги, юксаклиги даражасидан туриб айтилган ва ёзилгандир.

«Агар инсоният тинч-тотув яшашга ўрганмас экан, у ҳалокатга маҳкум бўлади. Ўзаро ишончсизлик, биқиқлик, қарама-қаршилик одамзоднинг бахт-саодати, хотиржам ҳаётига энг жиддий хавф-хатарлардандир», — огоҳлантиради публицист «Бари барчага дахлдор» мақоласида. «Адабиётнинг вазифаси одамларни бирлаштиришдир», («Бутун олам тортилиш қонуни»); «Бугунги кунда инсониятда тинчлик ҳақидаги ўй-фикрдан муҳимроқ нарса йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас... Чинакам санъаткор — алоқа коди» («Сўзга ажратилган бир соат»).

Адабиётнинг ижтимоий, эстетик вазифасини белгилашда ҳам адиб юксак талаблардан келиб чиқади. Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг 1973 йилда Олмаотада бўлиб ўтган V конференциясида сўзлаган нутқида бенгал танқидчиси Сарвар Муршидниг, бугун ҳар бир адабиёт ўзини умумжаҳон адабиётининг таркибий бир қисми деб ҳисобламоғи керакми ёки фақат ўзидагина «улуғ» бўлиб қолиши керакми, деган масалани ҳал этмоғи лозим, деган мазмундаги фикрига тамом қўшилиб, «тараққиётга интилувчи ҳар бир адабиёт ўзига энг юксак талаб, ўлчовлар асосида баҳо бермоғи лозим. Фақат шундай қилингандагина биқиқлик ва маҳаллийчиликни тугатишга умид боғлаш, жаҳон адабиётини яхши билиш, ўрганишгина касбий маҳорат ўлчови бўлиши мумкин»лигини таъкидлаган эди. Адабиёт, санъат кенг миқёсда фикрлаган, ёзувчи, санъаткорда воқеа-ҳодисаларни тўласинча қамраш сезгиси шаклланмоғи лозимлиги ҳақида гапирганда Ч. Айтматов сайёравий тафаккурни назарда тутади ва буни аниқ-равшан мисоллар орқали кўрсатиб, исботлаб беради.

Совет космонавти билан Америка астронавти самода дўстона қўл олишган дақиқаларда (1976) икки машҳур ёзувчи — Чингиз Айтматов ва Курт Воннегут телевизор қаршисида ўтириб, адибимиз сўзлари билан айтганда, икки буюк мамлакат томонидан туташ нуқтаси топиш, ўзаро тинчтотув яшаш йўлини излаш жараёнига қўшилиб, суҳбат қуришарди. Бу суҳбат уч жиҳати — табиий, самимий кечиши, адибларнинг далиллар, воқеалардан жиддий хулоса, катта умумлашмалар чиқаришлари, самовий учрашув сермаъно, кўп нарса ваъда қилувчи, янги истиқболлар очувчи рамз эканлигини яқдил эътироф этганликлари, энг муҳими, айтганлари келгани билан айниқса диққатга сазовордир.

Кейинги йилларда бошқа публицистлар сингари Чингиз Айтматовнинг ҳам фикри-зикрини экология, ахлоқ, маънавият муаммолари тобора кўпроқ банд этмоқда. Турғунлик даврида ўзаро боғлиқ бу чигалликлар туркуми тахланиб қолган, айримлари пишиб етилган, газак олган, уч бериб турган эди. Қайта қуриш, ошкоралик, демократия шабадалари иллатлар маддасини ёриб, ёйиб юборди. Дарднинг қанчалик оғирлиги, сурункали асорати маълум бўлди.

Мафтункор табиат, маънавий қадрият, инсоний фазилатларни асраш, авайлаш, эъзозлаш нияти Ч. Айтматов ҳикоялари, қиссалари, романлари, драмаларининг томир-томирига, қон-қонига сингиб кетганлиги маълум. Айниқса «Алвидо, Гулсарий!», «Оқ кема», «Асрни қаритган кун», «Кунда» асарларини эслаш жоиз. Публицистикасига ҳам бу сифатлар ғоят хос.

Мунаққид В. Коркин билан суҳбатда («Дружба народов», 1982, 12-сон) момо еримиз ҳақида ташвишланиб, изтироб билан гапиради: «Аввалларги биз Ерга лоқайд ва ҳудбинларча муносабатда бўлардик. (Ҳозир бу айниқса равшан сезилиб қолди) У бизни ёдиришга, ичиришга, кийинтиришга, ҳимоя қилишга мажбур, ўзи эса ўрнига ҳеч нарса талаб этмайди, унинг мавжудлигини тан олсак бўлди, деб ўйлардик. Энди эса, космосга чиққанимиздан сўнг, ҳеч бир ифода этиб бўлмайдиган назокат ва изтироб билан тушундикки, унинг ўзи ҳимояга муҳтож экан». Ушбу суҳбатда бир журналда ўқиган ғаройиб фактни келтиради. Парижда бир вақтлар Лотин Америкасидан келтирилган анвойи гуллар, ҳаво жуда яхши бўлишига қарамай, кутилмаганда қуриб бошлабди. Олимлар ўйлаб сабабини топишолмабди. Маълум бўлишича, бу гулларнинг аждодлари ватанида қаттиқ қурғоқчилик бўлиб, гуллар қуриб кетган экан. Бу доно ва аччиқ сабоқдан хулоса чиқариш, табиат муҳофазаси кенг доирадаги масала эканлигини унутмаслик лозим, деб уқтиради публицист.

Саккиз йил бурун «Правда» газетасида босилган «Иссиққўлнинг нозик дурдонаси» мақоласини олайлик. Жамоатчилик табиатни, ўрмонлар, дарёлар, кўллар, ҳайвонот, наботот оламини асраш, авайлаш ҳақида бонг ураётган кезларда Чингиз оға ушбу дардли мақола билан чиқди, кўл шаврон тери янглиғ аста-секин тортишиб бораётганлиги, сўнгги ўн йилнинг ўзида сув сатҳи уч метр пасайгани, олимларнинг ҳисоб-китобларича, кўп нарса йўқотилгани, шошилинч тадбирлар кўриш лозимлиги ҳақида куюниб ёзди. «Иссиққўл «Тез ёрдам» каретасига кўз тикиб турибди! Бу ёрдам медицинадагидек қанча тез бўлса, шунча яхши», дея хитоб қилади адиб. (Нега у машина ўрнига арава сўзини ишлатди экан, деб дастлаб ҳайрон бўлган эдик, кейин тушундик: табиатга ёрдам бериш даги сусткашлик, хотиржамликни кўзда тутган экан). Етти йил ўтгач, «Огонёк» журнали мухбири Ф. Медведев билан мусоҳабасида бу ҳақда янада кенгроқ, кескинроқ, дард-изтироб билан гапиради. Иссиққўл дардини айтиб, юрагини бўшатиб бўлгач, бошқа оғир мавзуга — Орол дардига кўчади. Адибнинг фикрича, Орол ва Орол денгизи муаммоси фалокатли, фожиали муаммога айланиб қолди.

«Мен Байкални Иссиққўлдан ажратиб қарамайман. Худди шунингдек, Байкални мамлакатнинг ушбу йирик сув ҳавзаларидан ажратиб қарамайман, лекин шунга хурсандманки, Байкалнинг ўз ҳимоячилари, тарафини олувчилари бор. Орол денгизи фожиасида асосан одам айбдор. Хўжалик ишларимиз, пахта монокультураси нақ экологик вайронгарчиликлар келтирди, негаки, қачонлардан бери давом этиб келаётган ҳосил кетидан, сон кетидан қувиш Оролни чалажон қилиб қўйди. Ҳа, кўп пахта хорижга кетди ва кетаяпти, дейишади. Давлат учун валюта зарурлигини тушунаман. Нима бўлганда ҳам энг катта экологик фожиа юз берди: денгиз йўқолиб бормоқда, у қиғроқдан қирқ метрдан зиёд узоқлашиб кетди. Ўрнида ҳувиллаган сароб, саҳро қолди. Улар иқлим ўзгаришлари, ижтимоий офатлар, касалликлар, ҳавонинг заҳарланишига сабаб бўлди. Кўп масалада биз масъул органларни огоҳлантиришга ҳаракат қилдик. Лекин уринишларимиз зое кетди. Қозоқ адиби, Орол денгизи билимдони Нурпеисов катта очерк ёзди. Ушбу материал уч йил босилмай ётди ва ҳануз босилмай турибди. Бу орада кўп нарса йўқотилдики, энди қайтариб бўлмайди».

Оролни севувчи, қисматига ачинувчи, дардини олишга, малҳам бўлишга тайёр соф виждонли ҳар бир одамнинг дил сўзлари, қалб изтироби, ҳайқириғи бу! Публицист ушбу суҳбатда Распутинга жуда ҳавас қилишини, истеъдодли ёзувчи эканлигини қўйиб турган ҳолда, Байкални ҳимоя қилаётганининг ўзи авлодлар ундан бир умрга миннатдор бўлишларига лойиқлигини айтади.

Адибнинг Иссиққўл дарди ҳақидаги мулоҳазаларидан яна бир муаммо келиб чиқади: «Кўлга қараб, унинг саёз тортиб, кичрайиб бораётганлигини кўрар эканман, яна бир кўлни — халқнинг муқаддас бойлиги — тилни эслай кетаман. Агар янги авлодлар қудратли дарёлар тарзида тилга оқиб кирмаса, улар она тилини эгаллаш, ўзлаштиришга улгуришмаса, бунинг учун уларда шарт-шароитлар етишмаса, зарур даражада болалар муассасалари, мактаблар бўлмаса, бу ҳам доимо безовта қилиб турсин», — дейди ёзувчи. Мунаққид В. Коркин билан суҳбатда замонавий онг, тафаккур тушунчаси даставвал илғор, прогрессив, инсонпарварлик ғоялари даражасида фикрлаш салоҳияти ва санъати эканлигини, у ўз моҳиятига кўра ҳақиқий интернационализмни, ўзга халқлар маданияти, миллий тиллар, маънавий қадриятларни чинакам ҳурматлаш, замон ва макон бирлигида фикр юрита билиш, бугунги кунда эртаги куннинг овозини илғай ва эшита билиш уқувида, маҳоратида деб билади. Адибнинг «ГДРлик 22 ўқувчи мактубларига жавоб»и (1968), «Хельсинки руҳи», «Бари барчага дахлдор» (1980), «Она тили мўъжизаси» (1982), «Босқинчи қаҳрамон бўлолмайди» (1983), «Ақл-идрок ядро қуршовида», «Йиғлаганда бош эгиб, нафратда тик туриб» (1985), «Биз очиқчасига гаплашиб олдик» (1986) каби мақолаларида, Осиё, Африка, Лотин Америкаси ёзувчилари конференцияларида, «Иссиққўл форум»ида, турли халқаро симпозиум, анжуман ва бошқа мўътабар йиғинларда сўзлаган нутқларида, АҚШ адиби Курт Воннегут билан (1976), америкалик радиошуштувчилар билан (1984) суҳбатлари, ГДРлик Хейнц Плавиус билан «Одам ва олам, етмишинчи йиллар», Армтауд Гучка билан «Ёзувчи — даврининг виждони» (1980) мавзуидаги, «Ҳамкорлик қилмасдан яшаб, бўлмайди» мавзуида В. Кобиш билан (1982), «Ҳиндистон яқин бўлиб қолди» мавзуида М. Салганик билан (1985) мусоҳабалари ва бошқа асарлари замонавий онг, сайёравий тафаккур кенглиги, юксаклиги даражасидан туриб айтилган ва ёзилгандир.

«Агар инсоният тинч-тотув яшашга ўрганмас экан, у ҳалокатга маҳкум бўлади. Ўзаро ишончсизлик, биқиқлик, қарама-қаршилик одамзоднинг бахт-саодати, хотиржам ҳаётига энг жиддий хавф-хатарлардандир», — огоҳлантиради публицист «Бари барчага дахлдор» мақоласида. «Адабиётнинг вазифаси одамларни бирлаштиришдир», («Бутун олам тортилиш қонуни»); «Бугунги кунда инсониятда тинчлик ҳақидаги ўй-фикрдан муҳимроқ нарса йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас... Чинакам санъаткор — алоқа коди» («Сўзга ажратилган бир соат»).

Адабиётнинг ижтимоий, эстетик вазифасини белгилашда ҳам адиб юксак талаблардан келиб чиқади. Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг 1973 йилда Олмаотада бўлиб ўтган V конференциясида сўзлаган нутқида бенгал танқидчиси Сарвар Муршидниг, бугун ҳар бир адабиёт ўзини умумжаҳон адабиётининг таркибий бир қисми деб ҳисобламоғи керакми ёки фақат ўзидагина «улуғ» бўлиб қолиши керакми, деган масалани ҳал этмоғи лозим, деган мазмундаги фикрига тамом қўшилиб, «тараққиётга интилувчи ҳар бир адабиёт ўзига энг юксак талаб, ўлчовлар асосида баҳо бермоғи лозим. Фақат шундай қилингандагина биқиқлик ва маҳаллийчиликни тугатишга умид боғлаш, жаҳон адабиётини яхши билиш, ўрганишгина касбий маҳорат ўлчови бўлиши мумкин»лигини таъкидлаган эди. Адабиёт, санъат кенг миқёсда фикрлаган, ёзувчи, санъаткорда воқеа-ҳодисаларни тўласинча қамраш сезгиси шаклланмоғи лозимлиги ҳақида гапирганда Ч. Айтматов сайёравий тафаккурни назарда тутади ва буни аниқ-равшан мисоллар орқали кўрсатиб, исботлаб беради.

Саккиз йил бурун «Правда» газетасида босилган «Иссиққўлнинг нозик дурдонаси» мақоласини олайлик. Жамоатчилик табиатни, ўрмонлар, дарёлар, кўллар, ҳайвонот, наботот оламини асраш, авайлаш ҳақида бонг ураётган кезларда Чингиз оға ушбу дардли мақола билан чиқди, кўл шаврон тери янглиғ аста-секин тортишиб бораётганлиги, сўнгги ўн йилнинг ўзида сув сатҳи уч метр пасайгани, олимларнинг ҳисоб-китобларича, кўп нарса йўқотилгани, шошилинч тадбирлар кўриш лозимлиги ҳақида куюниб ёзди. «Иссиққўл «Тез ёрдам» каретасига кўз тикиб турибди! Бу ёрдам медицинадагидек қанча тез бўлса, шунча яхши», дея хитоб қилади адиб. (Нега у машина ўрнига арава сўзини ишлатди экан, деб дастлаб ҳайрон бўлган эдик, кейин тушундик: табиатга ёрдам бериш даги сусткашлик, хотиржамликни кўзда тутган экан). Етти йил ўтгач, «Огонёк» журнали мухбири Ф. Медведев билан мусоҳабасида бу ҳақда янада кенгроқ, кескинроқ, дард-изтироб билан гапиради. Иссиққўл дардини айтиб, юрагини бўшатиб бўлгач, бошқа оғир мавзуга — Орол дардига кўчади. Адибнинг фикрича, Орол ва Орол денгизи муаммоси фалокатли, фожиали муаммога айланиб қолди.

«Мен Байкални Иссиққўлдан ажратиб қарамайман. Худди шунингдек, Байкални мамлакатнинг ушбу йирик сув ҳавзаларидан ажратиб қарамайман, лекин шунга хурсандманки, Байкалнинг ўз ҳимоячилари, тарафини олувчилари бор. Орол денгизи фожиасида асосан одам айбдор. Хўжалик ишларимиз, пахта монокультураси нақ экологик вайронгарчиликлар келтирди, негаки, қачонлардан бери давом этиб келаётган ҳ